201_ A — nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

14 (498) ● 2018 йил 4 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Очиқ мулоқот

## ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ АСОСИ



***Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 26-27 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги халқаро конференция ҳамда унинг якунлари бўйича қабул қилинган Тошкент декларацияси мазмун-моҳиятини бугун кенг жамоатчилик, халқаро доиралар вакиллари, юртдошларимиз қизғин муҳокама қилмоқда, ўз муносабатларини билдирмоқда.***

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ташкил этилган очиқ мулоқот ҳам ушбу халқаро конференцияда имзоланган Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланди.***

2-бет

Депутатлик назорати

## ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР АҲОЛИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларининг жойлардаги учрашув ва юзма-юз мулоқотлари аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш, йиғилиб қолган муаммоларга жойида ечим топишда муҳим ўрин тутмоқда. Парламент аъзоларининг бу галги ўрганишлари ҳам ҳар жиҳатдан самарали бўлди.***

### АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ МАҚБУЛ ЖОЙГА КЎЧИРИЛДИ

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида бўлиб, аҳолининг турмуш тарзи билан танишди, одамларни қийнаётган муаммолар ечими юзасидан фикрлашди, таълим ва тиббиёт муассасалари, ижтимоий соҳа объектлари фаолиятини жойига бориб ўрганди.

Хонадонма-хонадон юриб ўрганишлар давомида бир қатор муаммолар борлиги аниқланди, уларнинг айримларига ўша жойнинг ўзида ечим топилиб, амалий ишлар бажарилди. Масалан, шу пайтга қадар туман ахборот-ресурс маркази 283-мактаб биносида, кичик бир хонада жойлашган эди. Ҳудуд аҳолиси ундан истаган вақтда фойдалана олмас, ўз навбатида, бу мактаб учун ҳам ноқулай эди. Ушбу вазиятни яқиндан ўрганган депутат тегишли мутасаддиларга мурожаат қилди. Натижада туман ахборот-ресурс маркази туман Ёшлар иттифоқи бўлими тасарруфига ўтказилиб, унинг биносига кўчирилди. Бу ҳудуд аҳолиси, айниқса, ёшларнинг зиё масканидан унумли ва самарали фойдаланишига хизмат қилади.

Тумандаги 11-мавзе 17-уй аҳолиси билан ўтказилган юзма-юз мулоқотда коллеж ўқувчиси Диана Сураяткина компьютер графикаси дастурларига қизиқишини, агар компьютер жамланмаси бўлса, бу йўналишдаги иқтидорини бойитиб бориши мумкинлигини билдирди. Фракция аъзоси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутати Юнус Каримов ҳамкорлигида бу масала жойида ҳал этилди — ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзанди, коллеж ўқувчисига ҳомийлик асосида компьютер жамланмаси туҳфа этилди. Бу амалий кўмак бир оила фарзандининг қизиқиш ва интилишларини рағбатлантиришга, шу билан бирга, айни балоғат ёшида унинг уюшмаган йигит-қизлар сафига қўшилиб кетмасдан фойдали машғулот билан банд бўлишига хизмат қилади.

Депутат "Ҳайратий", "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғинлари, "Латиф" гузар ҳудудида бўлиб, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишди, фуқароларнинг мурожаатларини тинглади. Жумладан, бир гуруҳ фуқароларнинг мурожаатига кўра, "Бирлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги оқава сувлар учун мўлжалланган зовурларнинг бир қисми қурилиш ишлари натижасида ёпилиб қолган. Оқибатда ёғингарчилик кунларида кўчаларга сув тошиб, аҳолига ноқулайлик туғдирмоқда. Ушбу масалани ҳал этиш учун тегишли мутасаддилар билан келишиб олинди.

3-бет

Бугуннинг гапи

## ХАЛҚИМИЗ БЕЛГИЛАГАН ҚЎШТИРНОҚ

### ЁХУД АХЛОҚ ЧЕГАРАСИНИ БУЗГАН(ЛАР)ГА БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

***"Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак...".***

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Ҳар бир инсоннинг бу ҳаётда яшашдан мақсади бўлади. Инсонларнинг орзу-умидлари бирлашиб, умуммиллий мақсадни ҳосил қилади. Тоғ сўқмоқлари ёқалаб кетаётган ҳеч бир инсон, албатта, жарга қулаб тушишни истамайди. Шу билан бирга юрган йўлдаги хатарни ҳам ҳеч ким буткул йўқ қила олмайди. Яъни, буюк шоиримиз Эркин Воҳидовнинг ўша ўлмас сатрида айтилганидек, бу ҳаёт — нақ ўрмоннинг ўзи, жони бор инсоннинг қасдида юрадиган албатта, топилади.

Энди бу мисолдаги ташбеҳни кенг миқёсда олсак, ҳар қандай давлат ва миллатнинг қасдида юрадиган кучлар ҳам албатта мавжуд бўлиши табиий ҳол. Бу кучлар ўз ғоявий-стратегик нигоҳларини, одатда, табиий бойликлари мўл давлатларга қаратади. Мақсад аниқ — ўша ҳудудларда вазиятни издан чиқариш, табиий бойликлар эгаси бўлган халқларни руҳан-маънан синдириш, қул қилиб, бу бойликлардан фойдаланиш.

Айнан мана шу геосиёсий ўйинлар, одатда, "янги маданият", "янги демократик қоидалар"ни "экспорт" қилишдек бир-биридан жимжимали пардалар билан ниқобланади. Шунингдек, бу хатарлар ўзимизнинг орамиздан ҳам нақ чирмовуқдек ўсиб чиқаверади.

Мамлакатимиз бугун тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяркан, барча соҳада амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотлар тўлқини, ошкоралик ва шаффофликнинг янги босқичга чиқиши фонида маънавий-ғоявий таҳдидлар ҳам кучайиб бораётганини сезиш-билиш қийин эмас. Айниқса, сўнгги пайтда ошкоралик кучайиши, сўз эркинлиги амалда таъминланаётгани, Интернет аудиториясининг кенгайиши, ижтимоий тармоқлардаги фаоллик — буларнинг барчаси ўзига хос ижобий ва салбий оқибатларга эга.

Ижобий жиҳатлар маълум — сўз эркинлиги таъминланиши билан жамиятда очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик муҳити, фикр алмашиш кўлами кенгаяди, тафаккур юксалади, дахлдорлик ҳисси ортади. Жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни барқарор таъминлашдан мақсад ҳам шу, аслида.

5-бет

Депутат минбари

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

### АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ

***Тарих шоҳид, унда воқеа ва ҳодисалар ҳар доим ҳам бир текисда кечмайди: истиқбол сари интилишлар, орқага чекинишлар, беқарорликлар, муайян бир давр сабоқларидан ҳушёр тортиш каби тўлқинсимон авжланиш, хос томойиллар вақти-вақти билан ўзини намоён этиб туради. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.***

2017 йил Марказий Осиёдаги давлатларнинг ўзаро муносабатларида янги руҳият, янгича тарихий манзара ва қарашлар пайдо бўлди. Албатта, бу ҳолат ўз-ўзидан содир бўлгани йўқ. Балки шахснинг тарихдаги ўрни ва роли муҳимлиги яна бир бор ўз исботини топди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев олиб бораётган очиқ, дўстона ва прагматик ташқи сиёсат жуда қисқа даврда катта ҳаётий натижалар бера бошлаганини бугун халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда. Дастлаб, мамлакатимиз сиёсатида қўшни давлатлар билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш тамойили устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро манфаатли ва дўстона ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Айни шу жиҳат Ўзбекистоннинг ишончли сиёсий ва савдо-иқтисодий ҳамкор сифатидаги халқаро нуфузини юксалтиришнинг муҳим кафолатига айланди.

2-бет

"Хизмат — беминнат"

## ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ПУХТА ЎРГАТИЛАДИ

### ЎҚУВ КУРСЛАРИ: ЭҲТИЁЖ ВА ИМКОНИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

***2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида замонавий билимга эга ёшларни тарбиялаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш, ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етишини таъминлашга оид муҳим ва аниқ мақсад-вазифалар белгиланган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси ана шундай устувор вазифалар ҳамда партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлашга қаратилган.***

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда "Аёллар қаноти" ташаббуси билан "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида Андижон шаҳридаги 24-умумтаълим мактабида хорижий тилларга ихтисослаштирилган ўқув-курси ташкил этилди. Унда мазкур мактабнинг 3 нафар ўқитувчиси кўнгилли сифатида иш бошлади.

— "Хизмат — беминнат" лойиҳасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларга қўшимча билим бериш, бандлигини таъминлашга эътибор қаратишдан иборат, — дейди партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Сардор Даминов. — Бунинг натижасида фанлардан бепул тўгараклар ташкил этилади, "устоз-шогирд" анъанаси давом этади, уюшмаган ёшлар билан доимий ва самарали мулоқот йўлга қўйилади.

4-бет

Хиёбон

## "ЭЛ-ЮРТИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАШ МАНГУ БУРЧИМИЗ"

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ, ТАНИҚЛИ КИНОРЕЖИССЁР ЗУЛФИҚОР МУСОҚОВ БИЛАН СУҲБАТ



***Кино санъати инсон маънавиятини юксалтириш, давр муаммоларини олиб чиқиш, замонамиз қаҳрамонларини бор бўй-басти билан намоён этиш, аждодларимиз тарихи ва ҳаётини кўрсатиш ва тасвирлашда муҳим ўрин тутади. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувида миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз, хусусан, кино санъатини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари хусусида атрофлича фикр алмашилди. Миллий кино санъати намоёндалари, хусусан, режиссёр ва актёрларимиз зиммасига катта масъулият, муҳим вазифалар юкланди. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов билан "Хиёбон"да ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.***

8-бет

Ушбу сонда:


КИТОБ ЎҚИБ, "СПАРК" ЮТГАН ҚИЗ



6-бет

ХИТОЙ МЎЪЖИЗАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?



7-бет


MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

Очиқ мулоқот

# ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИНГ МУҲИМ АСОСИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва фракция аъзолари, Тошкент давлат Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди вакиллари ҳамда партия Тошкент шаҳар ва вилояти кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

Очиқ мулоқотни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, фракция раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган халқаро конференция Афғонистон заминида 40 йилдан буён давом этаётган куролли қарама-қаршиликка тинч йўл билан чек қўйиш, бу ҳудудда тинчлик-осойишталик ўрнатиш, иқтисодий-сиёсий барқарорликни, афғон халқининг хотиржам ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилгани билан долзарб аҳамият касб этади. Амударёнинг икки қирғоғида яшовчи ўзбек ва афғон халқини бир-бирига қадимдан тил ва урф-одатлар муштараклиги, дин ва маънавий қадриятлар бирлиги бирлаштириб турган. Ушбу азим дарё икки мамлакатни маданий тамаддунлар чорраҳасида бирлаштириб, ўзаро савдо, илм-фан, маданий ҳамкорлигига кўприк вазифасини ўтаган. Буюк аждодларимиз Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб афғон заминида яшаб, ижод қилди. Бугун ҳам Ўзбекистон ва Афғонистон яқин қўшни мамлакатлар сифатида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга интилмоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар кенгайиб бормоқда.



Мазкур халқаро конференция асосида қабул қилинган Тошкент декларацияси, унда белгиланган муҳим вазифалар афғон заминида ноҳақ қон тўкишларнинг олдини олиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Бу заминда тинчлик ўрнатилиши эса нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун Евроосиё қитъасидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар эшигини очади, терроризм ва экстремизмга қарши курашишда муҳим ўрин тутади. Шундай экан, партия ташкилотларимиз, депутатлик бирлашмаларимиз жойларда ушбу нуфузли анжуман ва унинг якуни бўйича қабул қилинган Тошкент декларацияси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тарғиб-ташвиқ этишга ҳисса қўшиши лозим.

Очиқ мулоқотда иштирок этган мутахассислар, шарқшунос олимлар, тарихчилар мазкур халқаро конференция аҳамияти, Ўзбекистон — Афғонистон муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Афғонистон асрлар давомида Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келган, — деди Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректори Абдураҳим Маннонов. — Халқларимизни боғлаб турган ягона тарих, умумий маданият бугун турли соҳалардаги ҳамкорлик учун қулай замин яратади. Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари, дунёдаги етакчи давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Афғонистон атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни муҳокама қилиш таклифини илгари сурар экан, музокаралар давомида жафокаш афғон халқига кўмак ва ёрдам беришнинг истиқболлари ҳамда ушбу жараёнда ҳар бир давлатнинг иштироки ва ўрнига катта аҳамият бериш орқали афғон муаммосини бартараф этиш йўлида ўзига хос ёндашувни намоён қилди.

Таъкидлаш жоиз, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ечимлар топишга қаратилгани билан илгариги халқаро анжуманлардан фарқ қилади. Шу боис уни ўтказиш ташаббуси дунё ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Янада аҳамиятлиси, Афғонистондаги мавжуд вазият, масала-муаммолар, уларга ечим топиш йўллари акс этган Президентимиз нутқи Тошкент декларациясига асос бўлди. Унинг қабул қилиниши Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича амалий жиҳатдан ижобий натижаларга эришиш имконини беради, тинчлик жараёнининг ўзига хос "йўл харитаси"га айланади. Нуфузли халқаро ташкилотлар, сиёсатшунослар ва экспертлар томонидан Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликка эришиш, шу орқали нафақат Марказий Осиё, балки унга туташ минтақаларда тинч тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи Тошкент декларацияси афғон халқининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши билан амалий аҳамиятга эга, деган фикрлар билдирилмоқда.

Тадбирда институт вакилларининг Афғонистон тарихига оид тақдим этган маълумотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари мазкур халқаро конференция аҳамияти ҳамда давлатимиз раҳбарининг нутқи мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, хусусан, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасида кенг тарғиб қилиш, шунингдек, илмий-амалий конференция ташкил этишга келишиб олинди.



**Зокиржон МАШРАБОВ,**
**Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фонди раиси:**

— Мамлакатимизни афғон диёридан Амударё ажратиб туради. Қўшничилигимиз тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ҳатто Ўрта асрларда орамизда Амударёдан бошқа ҳеч қандай чегара бўлмаган, халқларимиз бир ҳудудда яшаб ижод қилган. Афғон заминида Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Беруний, Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Камолиддин Беҳзод, Шоҳруҳ Мирзо, Гавҳаршодбегим каби буюк аждодларимиз мангу қўним топган манзиллар жойлашган. Жафокаш Афғонистон заминидаги тўқнашувлар, нотинчликлар боис, уларнинг аксарияти таъмирталаб, хароба ҳолатга келиб қолган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамоат фондининг Афғонистондаги маркази ташкил этилиб, кейинги 15-20 йил мобайнида бу диёрдаги аждодларимиз қабрларини ободонлаштириш, уларнинг меросини ўрганиш, илмий-маданий ишлар самарадорлигини оширишга ҳисса қўшиб келаяпмиз. Хусусан, ЮНЕСКО ва фонд ҳамкорлигида Навоий ҳазратларининг қабри устида мақбара тикланиб, атрофига кўчатлар ўтқазилди. Айни пайтда унинг ёнида улуғ шоир ижодига бағишланган мўъжаз музей, кутубхона ташкил этиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, амалга оширилган ишлардан кўра, ўз олдимизга қўйган режа ва мақсадларимиз улкан. Тинчликка эришиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга мазкур нуфузли анжуман ижобий натижалар бериб, бу борадаги ишларимиз кўлами янада кенгаяди. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлашни истардим, Афғонистонга 20 га яқин сафар уюштирган бўлсак, афғон халқининг меҳнатсеварлигига, ўз юртида тинчлик ўрнатилишини доим орзу қилиб келганига амин бўлганман. Ушбу халқаро конференция, энг аввало, афғон халқининг ана шундай орзулари рўёбга чиқишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



**Наргиза ХИДИРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти грант раҳбари:**

— Афғонистон Конституциясида ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири сифатида белгиланганини бу икки мамлакатнинг ўқ илдизлари узоқ даврларга бориб тақалиши ва мустаҳкам томир отганини англатади. Юртбошимиз нутқида ҳам Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда ҳаёт кечиргани, афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг буюк намояндалари, кўплаб улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, азал-азалдан умумий муқаддас дин ва уйғун маънавий қадриятлар бирлаштириб келган икки халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти муштарак.

Конференцияда афғон хотин-қизларининг ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки тарихий маълумотларда, Гавҳаршодбегим саъй-ҳаракати билан Ҳиротда бир нечта маданий-маърифий масканлар барпо этилгани қайд этилган.

Ўтмишимиз, тарихимизга оид илмий тадқиқот ишларини янада кенгайтирсак, муштарак илдизларимиз янада ойдинлашади. Буюк аждодларимизнинг бизга маълум бўлмаган олтин меросини кашф этиш имконига эга бўламиз.



**Ориф НОРТЎРАЕВ,**
**халқ депутатлари Янгийўл шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:**

— Ҳар қандай масаланинг туб моҳиятига етмасдан, у ҳақда батафсил маълумотга эга бўлмасдан туриб, аҳолига тушунтира олмаймиз. Шу маънода партиямиз томонидан ташкил этилган мазкур очиқ мулоқот "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги халқаро конференция ҳамда унинг якунлари бўйича қабул қилинган Тошкент декларацияси аҳамиятини янада теран англашимизда муҳим омил бўлди. Тарихчи олимлар ва мутахассисларнинг чиқишлари натижасида халқларимизнинг муштарак тарихи, маданияти ҳақида кенг маълумот олдик. Бу эса партия ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этадиган тарғибот ишларимизда бизга ёрдам беради.

Афғон заминида азалдан миллионлаб миллатдошларимиз, қардошларимиз истиқомат қилиб келади. Бу қўшни юртда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар учун тинчлик, кўнгил хотиржамлиги, фарзандларининг эмин-эркин ўсиши нақадар муҳим эканлигини барчамиз чуқур ҳис қиламиз. Шу нуқтаи назардан халқаро конференция бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясида афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари белгиланган муҳим аҳамиятга эга. Биз энди унинг аҳамиятини кенг тарғиб этишимиз, аҳолига етказишимиз лозим.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат минбари

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ

## АФҒОНИСТОНДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛИШИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунлариданоқ Афғонистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада фаоллаштириш ҳамда ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик, барқарорлик ўрнатилиши, унинг иқтисодий ва транспорт инфратузилмаси тикланишига кўмаклашиш тарафдори эканини билдирди. Давлатимиз раҳбари энг нуфузли минбарлардан туриб, Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш стратегик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ҳамда ноябрь ойида Самарқандда БМТ шафелигида ўтказилган "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида халқаро конференциядаги нутқларида Марказий Осиёдаги хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарурлиги, қўшни мамлакатдаги тинчликка фақат музокаралар билан эришиш мумкинлигини таъкидлади. Зеро, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш нафақат минтақавий, балки глобал хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Президентимиз шу нуқтаи назардан жаҳон афкор оммаси эътиборини афғон можаросини ҳал қилишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш эканига қаратди.

Халқаро таҳлил марказлари қайд этаётганидек, шу йилнинг 26-27 март кунлари Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуида халқаро конференция Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати стратегиясининг амалий натижаси сифатида ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро миқёсдаги қўшма саъй-ҳаракатларга кенг йўл очди. Унда қабул қилинган "Тошкент декларацияси" жаҳонга глобал хавф солаётган муаммоларнинг ечими сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон бир неча йиллар давомида нотинч бўлиб келаётган Афғонистон билан бевосита чегарадошлиги туфайли афғон муаммосининг ижобий ҳал этилишидан манфаатдордир. Чунки қўшни афғон заминида можароли вазият сақланаётган бир вақтда барқарорликни таъминлаш ва осойишталикка эришиш муаммоли бўлиб қолаверади. Президентимиз айтганидек: "Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир".

Давлатимиз раҳбарининг афғон заминида сиёсий маслаҳатлашувлар орқали тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича таклифлари билан бир қаторда мамлакатнинг қарийб қирқ йиллик уруш ва можаро туфайли буткул вайрон бўлган иқтисодини қайта тиклаш ҳамда афғон халқининг издан чиққан турмуш тарзини ўнглаш борасидаги ёндашуви ҳам таҳсинга лойиқдир.

Президентимиз Афғонистон бўйича юқори даражали Тошкент конференциясидаги нутқида афғон халқи билан ўзбек халқининг узоқ тарихига мурожаат қилиб, "азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келаётган", минтақада "хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин"лиги, хавф-хатарларнинг баъзи бирларини "ўзимизники", бошқасини эса "бировники", деб қабул қилмаслик лозимлиги тўғрисидаги фикрларни билдирди. "Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осий минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётнинг гаровидир" деган ҳаётбахш ғоя илгари сурилди.

Бунда афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус — муросага эришиш, Афғонистон ҳукумати ва куролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш, Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш ва ниҳоят, барча манфаатдор ташқи кучларнинг куролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши беқиёс аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ҳукумати Афғонистоннинг келгусидаги тинч тараққиёти учун умумий масъулиятни ҳис этган ҳамда ўзбек ва афғон халқининг азалий дўстлик алоқаларига таянган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудида тинчлик жараёнларининг исталган босқичида Афғонистон ва "Толибон" ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни ташкил этиш учун барча шароитларни яратиб беришга тайёр эканлигини билдириб, куролли мухолифат вакиллари, жумладан, толиблар ҳам афғон жамиятининг бир қисми ва Афғонистон фуқаролари сифатида ўз мамлакати келажагини белгилаш учун яқинда ўтказиладиган сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, минтақавий даражада — аввало Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар ва Марказий Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлаши билан Афғонистон ҳукумати ва толибонлар ўртасида мустаҳкам келишувни таъминлашга эришишга даъват этди. Глобал даражада — дунёнинг етакчи, буюк давлатлари ва донор ташкилотлар томонидан Афғонистондаги тинчлик жараёнлари принципиал жиҳатдан сиёсий қўллаб-қувватланиши ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши учун молиявий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш туфайли мамлакат тинч ривожланиш йўлига ўтишини таъкидлади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур форум ўз формати ва Афғонистон муаммоси бўйича аниқ ечимлар топишга қаратилгани билан илгариги конференциялардан фарқ қилади. Олдинги конференцияларда даъват этиш, дипломатик таъсир қилиш каби воситалар устуворлик қилган бўлса, 26-27 март кунлари бўлиб ўтган нуфузли анжуман ўзининг интеграциявий тараққиётга интилиши, афғон халқининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилиши билан ажралиб туради. Конференцияда мамлакатимиз раҳбари илгари сурган ғоялар асосида Ўзбекистон давлатининг Афғонистон бўйича қатор истиқболдаги стратегик вазифалари эълон қилинди.

Ўзбекистон Афғонистонга 2002 йилдан буён электр энергияси етказиб бермоқда. Бир-икки йил ичида Сурхон – Пули–Хумри янги электр тармоғининг ишга туширилиши билан Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми кескин ортади. Ўзбекистон мутахассислари томонидан қурилган ва ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган Ҳайратон – Мозори Шариф темир йўлини Ҳиротгача давом эттириш лойиҳасини амалга ошириш Афғонистон иқтисодиётини тиклашга анча ҳисса қўшади, янги иш ўринлари яратади ва мамлакатнинг транзит салоҳиятини оширади. Трансафғон транспорт-коммуникация лойиҳалари бўйича ишларнинг шу каби катта аҳамиятга эга бўлган "Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Уммон" ва "Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой" каби бошқа минтақавий лойиҳалар асосидаги қитъалараро транспорт коридорларини энг қисқа йўлларни ривожлантириш натижалари афғон халқига хизмат қилади.

Шу йилдан бошлаб Афғонистонга чегарадош Термиз шаҳрида ташкил этилган Афғон фуқароларига таълим бериш маркази иш бошлади. Мазкур марказда афғон мутахассисларини тайёрлаш бўйича ихтисослик ва йўналишлар сонини кенгайтириш режалаштирилди. Бу каби лойиҳалар Афғонистоннинг ўзида ҳам амалга оширилади.

Ҳеч шубҳасиз, Афғонистонни қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқалар тизимига жалб этиш бўйича умумий саъй-ҳаракатлар бу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни тинч ҳаётга қайтариш жараёнига сезиларли ҳисса қўшади. Зеро, анжуман якуни бўйича қабул қилинган Тошкент декларациясининг энг муҳим жиҳатларидан бири — бу Афғонистон билан минтақавий ҳамкорликни бошлашга доир мақсадлар эълон қилингани.

Шу маънода мазкур халқаро конференция нафақат тинчлик, тотувлик, барқарор ҳаёт тарзи, курашаётган кучларнинг сулҳга эришишга даъват этиши, балки амалий ва ҳаётий соҳа — афғон халқининг ижтимоий ҳаёти ва турмуш тарзини яхшилашга доир режалари билан ҳам халқаро жамоатчилик диққат-эътиборини ўзига тортди. Декларацияда иштирокчи-давлатларнинг "Афғонистонни унинг яқин қўшнилари ва минтақа билан боғлайдиган савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ва коммуникация соҳаларидаги минтақавий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш бутун минтақа аҳолисига сезиларли манфаат келтириши, кун кечириш учун зарур манбаларни яхшилаши, тинчликка кўмаклашиш ҳамда терроризм ва ноқонуний фаолиятга қарши курашиш борасида кўрилаётган саъй-ҳаракатларни мустаҳкамлашга" интилишлари қайд этилди.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган мазкур халқаро конференция дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларига ғоят муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Унинг Тошкентда ўтказилиши — бу Ўзбекистоннинг фаол ва тинчликсевар ташқи сиёсати халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар томонидан эътироф этилиши, мамлакатимиз жадал ривожланиш, халқаро муносабатларда фаол иштирок этиш, инсоният бошидан кечираётган глобал муаммоларни ҳал қилишдек буюк давлатларга хос янги ташқи сиёсат йўлидан бораётганининг ёрқин далилидир.

**Мунирахон ҚОРИЕВА,**
**халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**



Тадбир

# УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

***Тошкент шаҳридаги "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг халқ депутатлари Юнусобод тумани Кенгашидаги гуруҳи ташаббуси билан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.***

Тадбирда қатнашган нуронийлар, пойтахтимиздаги мактаблар, лицей ва коллежлар ўқувчилари дастлаб хиёбон ҳудудидаги рамзий қабрни зиёрат қилиб, Ватан эрки, шаъни ва қадр-қиммати йўлида шаҳид бўлган юрт фарзандлари хотирасини ёд этдилар. "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Музей директори Бахтиёр Ҳасанов, халқ депутатлари Юнусобод туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Улуғбек Мусаев, тиббиёт фанлари доктори, профессор Эркин Юсупов мамлакатимизда тарихимизнинг турли даврлари, хусусан, яқин ўтмишимизда кечган қатағон йилларига оид воқеаларни илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, тарихий ҳақиқатни тиклашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Уч авлод учрашуви" шаклида ташкил этилган тадбирда ёшларга "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасининг бунёд этилиш тарихи ҳақида маълумот берилди, мустамлака даврида элни илм-маърифатли қилишга, юртимизни тараққий топтиришга интилган юзлаб маърифатпарвар, фидойи боболаримизнинг шахси, илмий ва ижодий фаолиятини миллий истиқлол ғояси нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, халқ тафаккурини ўстириш йўлида олиб борган курашлари моҳиятини англаш ғоят муҳим экани қайд этилди. Айни шу ерда қатл этилган адабиётимизнинг етук вакиллари Чўлпон, Усмон Носир қаламига мансуб шеърлардан намуналар ўқилди. Айниқса, талаба ёшлар томонидан Абдулла Қодирий асари асосида тайёрланган саҳна кўриниши йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

Бу каби учрашув ва тадбирлар ёшларни она Ватанга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Ирода АВВАЛБОЕВА,**
**ЎзМТДП фаоли**

Депутатлик назорати

# ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР АҲОЛИ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



— Парламентдаги вакилимизнинг туман ҳудудидаги ўрганишлари ҳар жиҳатдан самарали кечди, — дейди ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши раиси Гулнора Ваҳобова. — Депутат аҳоли мурожаатларини ҳал қилиш билан бирга, тумандаги секторлар фаолияти, оилавий поликлиникалар ҳамда шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси фаолиятини ўрганди, муаммолар билан танишди. Маълумки, шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси серқатнов йўл бўйида жойлашган. Мазкур йўл ҳудудида бир нечта светафор мавжуд. Бу тез тиббий ёрдам машиналарининг шифохонага ўз вақтида кириб-чиқишида муайян муаммоларни келтириб чиқараётган экан. Шифохона мутасаддилари йўлнинг шу ҳудудида тез тиббий ёрдам машиналари учун алоҳида йўлак ташкил этиш ёхуд бошқа бирор чора кўриш таклифини билдирди. Уларнинг ушбу мурожаати ўрганилиб, давлат автомобиль назорати хизматига маълум қилинди.

Фракция аъзоси шунингдек, тумандаги қатор умумтаълим мактабларида ҳам бўлиб, улар фолиятини, муаммоларини, таклифларини ўрганди. Айрим таълим масканлари вакиллари мактаб ҳудудида иссиқхоналар ташкил этиш таклифини билдирди. Бу ҳам таълим масканининг молиявий бюджетига кўмак бўлади, ҳам ўқувчиларни меҳнат дарслари ёхуд бўш вақтларида меҳнатга ўргатишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ДЕПУТАТ ТАШАББУСКОРЛИГИ — СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

Парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Жаҳонгир Ширинов, Назир Собиров ва Феруза Ибрагимова Қоровулбозор туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш мақсадида хонадонларда, корхона ва ташкилотларда бўлди. Жумладан, депутат Жаҳонгир Ширинов тумандаги "Бўзачи", "Жарқоқ", "Бўстон", Имом Бухорий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан учрашди.

"Бўзачи" МФЙ ҳудудидаги 7-мактабгача таълим муассасасининг фаолияти ўрганилганда, бу масканда таълим-тарбия олаётган болажонлар учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани маълум бўлди: болалар ётоқхонасида ўрнатилган иситиш печи эски, болалар таомидан синов нусхаси олинмаган, музлаткич умуман ишламайди, ичимлик суви қувури муассаса ҳудудига олиб кирилмаган ва буларнинг барчаси қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Депутат саъй-ҳаракати билан шу куннинг ўзидаёқ эски печка олиб ташланди, янги музлаткич келтирилиши ҳамда муассаса ҳудудига ичимлик суви етказиб берилишини таъминлаш чоралари кўрилди.

Ушбу ҳудудга қарашли қишлоқ врачлик пунктидаги ўрганишлар жараёнида пункт дорихонасидаги дорилар рўйхати ўқиш қийин даражадаги баландликка илиб қўйилгани, бу эса жуда ноқулай эканлиги ва рўйхатдаги дориларнинг аксарияти



мавжуд эмаслиги депутат эътиборини тортди. Мазкур қишлоқ врачлик пунктига Сардоба-1 ва Сардоба-2 қишлоқлари аҳолиси 10-12 километр узоқдан қатнайди. Бу ноқулай об-ҳаво шароитида табиийки фуқароларга қийинчилик туғдиради. Айниқса, тез ёрдамга муҳтож беморларга хизмат кўрсатишда масофанинг узоқлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ушбу масаланинг ечими борасида депутат мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан боғланди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига шу куннинг ўзидаёқ хат киритилиб, Сардоба-1 ва Сардоба-2 қишлоғи фуқароларини марказий поликлиникага бириктириш таклифи илгари сурилди.

"Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини Ноғоратепа қишлоғида яшовчи Ойлар Наврўзовага ногиронлик аравачаси керак. Депутатнинг мазкур хонадонга ташрифи унинг кўнглини тоғдай кўтарди. Вазият ўрганилганидан кейин тегишли мутасаддиларга мурожаат қилиниб, фуқарога ногиронлик аравачаси етказиб берилди.

Учрашувлар давомида фуқаролар Маҳбуба Бегматова, Шаҳзода Солижонова, Тўхтаой Рашидова, Дилшода Ашурова касаначилик бўйича ишга жойлашиш истагини билдириб, амалий ёрдам сўрадилар. Депутат кўмаги билан ушбу масала ҳам ижобий ҳал этилди — фуқаролар тумандаги "Нефтагрокомплекс" масъулияти чекланган жамиятига ишга жойлаштирилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова Қоровулбозор туманидаги ўрганишлари давомида асосий эътиборни тиббиёт муассасалари фаолияти ва аҳолига кенг кўламли бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳолатига қаратди. Депутат тумандаги "Бўзачи" қишлоқ врачлик пунктида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатилиши, унинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш ҳамда юртимизда замонавий соғлиқни сақлаш тизимини яратишнинг муҳим жиҳатларини ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни ўрганди. Мазкур қарорга мувофиқ олиб борилаётган ишлар юзасидан "Бўзачи" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари ҳузурида қишлоқ врачлик пункти раҳбарларининг ҳисоботи тингланди.

Қоровулбозор туманида 17 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Туман тиббиёт бирлашмасида 38 нафар патронаж ҳамшира аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. Депутат тиббиёт бирлашмасидаги ўрганишлари давомида ҳамшираларнинг патронаж сумкалари ва зарур жиҳозлар анчайин эскирганлигига эътибор қаратди. Халқ вакилининг мазкур масалага жиддий ёндашуви сабаб туман тиббиёт бирлашмаси маблағлари ҳисобидан 19 миллион сўм ажратилиб, шартнома асосида Жондор туманидаги "Сарвиноз Сабрина Дизайн" МЧЖдан патронаж сумкалар ва зарур жиҳозлар олиб келтирилди.

Депутат аввалги учрашувларида ўзининг сайлов округи ҳудуди бўлган Қоровулбозор туманидаги ўрганишлари давомида туман тиббиёт бирлашмасининг рентген хонаси таъмирга муҳтожлигини аниқлаган, шундан келиб чиқиб, рентген хонасини белгиланган стандартларга мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига депутатлик сўрови билан мурожаат қилган эди. Халқ вакили бу галги ўрганишлари мобайнида мазкур сўров ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Туман тиббиёт бирлашмасининг рентген хонаси Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи томонидан ажратилган 200 миллион сўмдан ортиқ ҳомийлик маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Туман марказий шифохонасининг шошилинч тез тиббий ёрдам ва жонлантириш бўлимларида ҳам муаммолар кўзга ташланди. Шифохонада марказлашган кислороднинг йўқлиги аниқланиб, депутат ташаббуси билан туман ҳокимлигининг маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 32 миллион 272 минг сўм пул маблағи ажратилди ва вилоятдаги "Тиб таъмир плюс" корхонаси томонидан беморларга кислород терапия (оксигенация) ўтказиш мақсадида шартнома имзоланди. Жорий йилнинг апрель ойи биринчи ўн кунлигида ушбу масала ижобий ечим топиши режалаштирилган.

Депутат саъй-ҳаракати билан туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг пол қисми тўлиқ янгиланди, 40 дона тежамкор ёритиш мосламалари ўрнатилди. Икки кунлик ҳашар ташкил этилиб, поликлиниканинг санитария ҳолати яхшиланди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида шифокорлар ва ҳамшираларнинг график жадваллари шакллантирилди.

Бундан ташқари, учрашувлар давомида халқ вакили қатор хонадонларда бўлиб, муаммоларни ўрганди. "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи нафақахўр Мукаррам Аралова депутат билан юзма-юз мулоқот чоғида соғлигидан шикоят қилиб, юролмаслигини, ногиронлик аравачасига муҳтожлигини билдирди. Мазкур мурожаат ечими ҳам ижобий ҳал этилди.

**Муслима РЎЗИЕВА,**
**ЎзМТДП Бухоро вилоят**
**кенгаши матбуот котиби**

## ФУҚАРОНИНГ НОРЕАЛ ҚАРЗДОРЛИГИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари Акмал Раҳмонов ва Шуҳрат Тўхтабоевнинг Наманган туманининг бир қатор қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб аҳоли вакиллари билан ўтказган юзма-юз, очиқ мулоқотларида кўтарилган ўнлаб масалалар жойида ижобий ҳал этилди.

Жумладан, Тепақиёт маҳалласида яшовчи Ҳуснида Хўжанова депутат Акмал Раҳмонов билан суҳбатда фарзандининг саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдамга муҳтож эканини, оилавий можаролар боис эри билан вақтинча бирга яшамаётганини билдирди. Депутатнинг саъй-ҳаракати билан унга маҳалла фуқаролар йиғини моддий ёрдам пули ажратадиган бўлди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчиларига бу оилани яраштириш, уч фарзандни етим қилмаслик чораларини кўриш юзасидан тушунтиришлар берилди.

Миришкор маҳалласи Сеҳрли диёр кўчаси 47-уйда яшовчи фуқаро Дилфуза Назарова суюлтирилган газ баллонига эҳтиёжи борлиги, бу ҳақда тегишли идораларга қилган мурожаати жавобсиз қолдирилганлигини маълум қилди. ЎзМТДП фракцияси аъзосининг ташаббуси билан "Ўзтрансгаз" Наманган туман филиали томонидан мазкур хонадон газ баллони билан таъминланди.

Таъкидлаш жоиз, мулоқотлар давомидаги мурожаатлар ва аҳолининг ишсиз қатлами эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ишчи гуруҳи вакиллари ташаббуси билан Тошбулоқ шаҳарчасидаги туман маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда енгил саноат, тўқимачилик, тикувчилик, паррандачилик, қурилиш ашёлари каби ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият юритаётган 84 та корхона мавжуд беш юз бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада юздан зиёд фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

Депутат Шуҳрат Тўхтабоев партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Наманган туманининг "Бешкапа", "Олаҳамак", "Тўсар", "Қўрақўл", "Урганжи" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги хонадонларда бўлиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар билан танишди ва уларни бартараф этишга эришди. Масалан, Бешкапа маҳалласидаги бир гуруҳ фуқароларнинг айтишича, Пахтаобод кўчасининг 2 километрлик масофадаги ички йўли таъмирталаб ҳолда. Шуҳрат Тўхтабоевнинг ташаббуси билан мазкур ички йўлга шағал ётқизиш ишлари туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"нинг иккинчи чоракка мўлжалланган дастурига киритилди.

Урганжи маҳалласи Мустақиллик кўчаси 13-уйда яшовчи Абдуолим Абдуллаев электр энергияси учун унга 1 миллион 364 минг сўм ноҳақ қарздорлик юкланганини билдирди. Мазкур масалага аниқлик киритилганидан кейин ҳақиқатан ҳам бу нореал қарздорлик экани маълум бўлди ва муаммо бартараф этилди. Шунингдек, бу хонадонга симёғочдан тортилган 30 метрлик кабел янгилаб берилди.

Бундан ташқари, аҳолидан тушган мурожаатлар асосида туман электр таъминоти корхонаси билан биргаликда Урганжи маҳалласининг Паҳлавон кўчасига 2 дона электр симёғоч ўрнатилди. Пиллакор кўчасида жойлашган тўрт хонадон учун 2 та симёғоч ҳамда 200 метрлик кабел тортиб берилди.

Маҳаллий ҳокимият, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги соҳалари вакиллари, коммунал идоралар мутасаддилари, ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар ҳамроҳлигида ташкил этилган учрашувлар давомида ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш билан бир қаторда сайёр қабуллар ҳам ташкил этилди. Фуқаролардан тушган мурожаатларнинг аксарияти суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш билан боғлиқлиги сабабли бу масала "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамияти Наманган тумани филиали ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзолари билан биргаликда атрофлича ўрганиб чиқилди. Натижада 24 та хонадонга газ баллонлари етказиб берилди.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



## МУАММОЛАРГА МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИ ҚАРАТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари Сиддиқ Номозов, Азамат Пардаев ишчи гуруҳ билан биргаликда Жомбой туманида аҳоли билан мулоқот қилди. Туманда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш, фуқароларни уй-жой билан таъминлаш ҳолати, коммунал хизмат кўрсатиш, тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминланганлик даражаси очиқ мулоқотларнинг асосий мавзусига айланди.

Ҳудуддаги йўл инфратузилмаси, транспорт қатнови аҳволи ўрганилиб, тегишли сектор вакиллари билан бу борадаги вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, "Нўш" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи Жомбой — Ал Бухорий йўлида автобус бекати қуриш ҳамда йўл серқатнов бўлганлиги боис маҳалла марказига йўл чироғи ўрнатиш масаласи хусусида келишиб олинди.

Депутатларнинг "Нўш" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўрганишлари чоғида бир қатор долзарб масалалар ўртага ташланди.

— Тумандаги ўрганишларимиз давомида фуқароларни ўйлантираётган қатор масалалар мавжудлиги аён бўлди, — дейди депутат Азамат Пардаев. — Масалан, Химичи қишлоғидаги электр узатиш станцияси жойини ўзгартириш лозим. Нўш қишлоғи қабристонининг уч ёни очиқ ҳолда турибди, уни девор билан ўраш зарурати мавжуд. 1972 йилда ҳашар йўли билан қурилган маҳалла маркази ҳозирда таъмирталаб аҳволда, иссиқлик тизими ҳам йўқ. Бундан ташқари, ҳудуддаги 27-мактабгача таълим муассасаси фаолияти талабга жавоб бермайди. Бино таъмирга муҳтож, иссиқлик тизими ишламайди. Атрофи девор билан ўралмаган. Ошхона ва овқатланиш хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланмаган. Ўрганилган масалалар юзасидан тегишли мутасаддилар билан боғланиб, уларни ҳал этишга келишиб олдик.

"Наймантепа" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида ҳам қатор муаммолар ўрганилди. Наймантепа қишлоғидаги 63 хонадонга мўлжалланган трансформатордан бугунги кунда 120 хонадон фойдаланиб келмоқда. Бунинг оқибатида тез-тез электр узилишлари юзага келаётир. Туркистон қишлоғида электр симёғочлар яроқсиз ҳолга келиб қолган. "Наймантепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 34-умумтаълим мактабида синф хоналар, стол-стул, спорт анжомлари етишмайди. 6-умумтаълим мактабининг эса спорт зали йўқ. Иситиш тизими ишламагани боис қўлбола печлардан фойдаланиб келинмоқда.

Депутатлар "Журият" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ўрганишлари давомида 5-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишдилар. Маълум бўлдики, мазкур таълим маскани 420 ўқувчига мўлжалланган бўлса-да, лекин бугунги кунда унда 720 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Бу машғулотларнинг икки сменада ўтилишига сабаб бўлаётир. Боз устига мактаб биносида иситиш тизими ишламайди.

Депутатларнинг тумандаги ўрганишлари давомида, фуқаролар билан очиқ мулоқотларда кўтарилган муаммолар ечими юзасидан тегишли ташкилот ва ижро органлари билан келишиб олинди, аниқ вазифалар белгиланди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Партия ва электорат

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Халқимиз давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойили асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар аҳоли мурожаатлари ва муаммоларини ўрганиш, уларнинг оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ташкил этаётган сайёр қабул, "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" каби лойиҳалар ҳам аҳоли муаммоларига ечим топишга хизмат қилаётир. Бу каби амалий саъй-ҳаракатлардан одамлар мамнун, уларнинг давлат идораларига бўлган ишончи ортмоқда.***

# САЙЁР ҚАБУЛЛАРДА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Қамаши ва Яккабоғ туманларида сайёр қабул ташкил этилди. Унда партия вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, депутатлар ҳамда мутасадди ташкилотлар вакиллари фуқароларнинг ер, уй-жой, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, газ, электр энергияси, йўл ва бандлик соҳаларидаги мурожаатларини ўрганди.

Сайёр қабулда Қамаши тумани "Самарқанд" маҳалла фуқаролар йиғини Шодлик кўчасида яшовчи фуқаро Абдулазиз Ғозиев тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат юзасидан "Агробанк" АТБнинг Қамаши туман филиалига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Туманнинг "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Олмазор кўчасида истиқомат қилувчи фуқаролар — 1-гуруҳ ногирони Зиёдулла Ибрагимов ва Алишер Қодировнинг мурожаатига кўра, 2014 йилда маҳалла ҳудуди газ тизимидан узиб қўйилган, ўтган даврда барча қарздорлик ёпилган. Аммо шунга қарамай, яқинда Зиёдулла Ибрагимовга 1 миллион 200 минг, Алишер Қодировнинг уйига эса 841 минг сўм миқдоридаги қарздорлик хати келган. Ҳар икки фуқаро мазкур масала юзасидан Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ва тегишли мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилган бўлса-да, аммо унга ҳалигача ойдинлик киритилгани йўқ. Фуқаролар ушбу масалада партия ташкилотига мурожаат қилди. Масала Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳудудий бирлашмаси кўмагида ҳал қилинадиган бўлди.

Яккабоғ туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда ҳам фуқароларнинг бир қатор мурожаатлари ўрганилди.

— Етти нафар фарзандим бор, — дейди Сандал маҳалласи фаоли Меҳринисо Жонзоқова. — Оилавий шароитимиз оғирлиги сабабли бир нафар ўғлимизга уй-жой қилиб бера олдик, холос. Қолган фарзандларим билан бир ҳовлида яшаяпмиз. Сайёр қабулда ўғилларимга уй-жой учун ер ажратишда амалий ёрдам беришларини сўрадим. Туман ҳокимлиги мутасаддилари, партия вакиллари мурожаатимни ўрганиб, ижобий ҳал қилишда кўмаклашадиган бўлди.

Яккабоғ туманининг "Жамол ота" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро Гулҳаё Юсупованинг айтишича, фарзанд ширин, аммо унинг касалликдан азоб чекаётганинин кўриб туриш ниҳоятда оғир. Гап шундаки, унинг 7 ёшли фарзанди чақалоқлик даврида бошининг мия қисмига қон қуйилиши оқибатида оғир касалликка учраган. Бу касаллик уни ҳозирга қадар қийнаб келади. Бир неча бор шифокор ва тегишли хайрия ташкилотларига мурожаат қилган бўлса-да, афсуски, унинг бу оғриқли дардига ҳанузгача даво топилгани йўқ. Фуқаро фарзандини даволатишда амалий ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат ҳам ўрганилиб, тез орада партия ташкилоти томонидан ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Хўжаилғор маҳалласи фуқароси Лазиз Қаландаров ака-укалари ва уларнинг оила аъзолари билан бир ҳовлида яшайди. Намунали ва арзон уй-жойлардан олиш мақсадида ҳокимлик ва бошқа мутасадди ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилди. Лекин уларнинг бари жавобсиз қолди. Фуқаронинг арзон уй-жой олиш ҳамда бошланғич бадал пулини тўлашда енгиллик яратишларини сўраб қилган мурожаати юзасидан туман ҳокимлигига депутатлик сўрови юборилди.

Иқтидорли ва изланувчан ёшлардан бири Моҳигул Музаффарова матога зеб бериб кашта тикади. У ушбу ҳунармандчилик намуналари асосида кўргазма ташкил қилишда кўмак беришларини сўраб мурожаат қилди. ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси Сайфулла Махматмўминов туман миқёсида кўргазма ташкил қилишда партия амалий ёрдам кўрсатишини айтди.

Сайёр қабуллар давомида фуқароларнинг ҳеч бир мурожаати эътибордан четда қолмади. Мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП ташкилотлари ва гуруҳларининг фаоллиги, ҳудуд аҳолисига ишонган маслакдош, ҳаётий масалаларда яқин кўмакчи бўлиб бораётгани, ҳар бир хонадонга кириб, ҳол-аҳвол сўраётгани одамларни ҳурсанд қилмоқда. Буларнинг барчаси юртдошларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

**Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзМТДП Қашқадарё вилоят**
**кенгаши бош мутахассиси**

"Уйма-уй" лойиҳаси — амалда

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти", партиянинг Пастдарғом туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари ҳамкорлигида "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида фуқаролар мурожаатлари ўрганилди.***

# МУАММОЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА



Қаршиобод маҳалласида бўлиб ўтган ўрганишлар давомида фуқаро Рўзитош Бойқобилова маҳалла ҳудудида мактабгача таълим муассасаси йўқлиги, агар имкони бўлса, болалар учун таълим-тарбия маскани барпо этишда амалий кўмак берилишини сўраб мурожаат этди. Фуқарога давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу борада амалга оширилаётган янги лойиҳалар, хусусан, бунинг самарасида мазкур ҳудудда ҳам яқин орада мактабгача таълим муассасаси барпо этилиши — апрель ойидан Қаршиобод маҳалласида қурилиши бошланадиган хусусий боғча ва унинг қамрови тўғрисида батафсил тушунча берилди.

Партия фаоллари фуқаро Гулистон Суярова хонадонида бўлганида, у тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги борлигини, аммо бунинг учун мутахассислар кўрсатмаси ва тавсиясига муҳтожлигини билдирди. Фуқаронинг имконият ва шароити билан яқиндан танишган халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муҳаббат Тиллаева ва фаоллар унга томорқасида иссиқхона ташкил этиш ҳамда лимон етиштириш бўйича зарур маслаҳат берди, йўл-йўриқлар кўрсатди. Қаршиобод маҳалла раиси Ҳусниддин Дўстқораев бу ишни амалга оширишда яқиндан кўмак берадиган бўлди.

— Маҳалла аҳлини қийнаб келаётган долзарб муаммолардан бири — ичимлик суви, — дейди шу ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаро Раҳима Тўйчиева. — Имкони бўлса, маҳалламизга сув қувурлари орқали тоза ичимлик суви олиб келишга амалий ёрдам берилса, бу аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланишига хизмат қилган бўлар эди.

Фуқаронинг мурожаати юзасидан халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Муҳаббат Тиллаева туман "Сувоқава" давлат унитар корхонасига Қаршиобод маҳалласига тоза ичимлик суви етказиш бўйича депутатлик сўрови юборишини ҳамда уни назоратга олишини билдирди.

Шу маҳалла фуқароларидан яна бири Зумрад Содиқова оилавий шароити оғирлигини айтиб, маҳалладан моддий ёрдам олишда кўмак берилишини сўраб мурожаат қилди. Фуқаронинг яшаш шароити ва оилавий аҳволини яқиндан ўрганиб чиққан партия фаоллари маҳалла раисига қонун талаблари доирасида фуқарога моддий ёрдам тайинлаш таклифи билан чиқди. Маҳалла раиси Зумрад Содиқованинг талаби қаноатлантирилиши ва унга март ойида моддий ёрдам пули ажратилишини билдирди.

Фуқаро Шерали Йўлдошев маҳалла ҳудудида ҳунармандчиликка қизиқиши бор ёшларни бирор бир устага шогирдликка бириктиришда амалий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат этди. Унинг таклифи қўллаб-қувватланди ва икки нафар ёш Усмонобод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида шу йўналиш бўйича ҳунар ўргатаётган устага шогирдликка бириктирилди.

— Ҳар бир мурожаат ва таклифни эътиборга олиш, уларни бартараф этишга кўмаклашиш партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг асосий вазифаларидандир, — дейди партия Пастдарғом туман кенгаши раиси Анвар Тошев. — Ҳамкорликда халқнинг дардини тинглаш, муаммоларига ечим топиш борасида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар одамларнинг давлат ва жамиятга, сиёсий партия ва депутатга ишончини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

"Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги ўрганишлар мобайнида кўтарилган мурожаатлардан кўриниб турибдики, фуқароларимизда дахлдорлик туйғуси, ҳуқуқий маданият юксалмоқда. Аҳоли фақат ўзларини ўйлантираётган масала юзасидан эмас, балки яшаб турган ҳудудларидаги муаммоларни ҳал этишда ҳам кўмак сўрамоқда. Фуқароларни қийнаётган, ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этишда ЎзМТДП ташкилотлари ва гуруҳлари фаол ва ташаббускор бўлса, аҳолининг партияга ва маҳаллий Кенгаш вакилларига бўлган ишончи янада ортиши шубҳасиз.

**Ёлқин ОҚБЎТАЕВ,**
**ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши етакчи мутахассиси**

"Хизмат — беминнат"

# ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ПУХТА ЎРГАТИЛАДИ

## ЎҚУВ КУРСЛАРИ: ЭҲТИЁЖ ВА ИМКОНИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Шу боис лойиҳа, айниқса, ота-оналар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида иқтидорли ёшлар сафини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг сиёсий билимларини ошириш, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама комил инсон бўлиб тарбия топишида ушбу лойиҳа муҳим ўрин тутади.




Ўқув курсида таълим жараёнини халқаро стандартларга мослаштириш, ўқитишга замонавий педагогик технологияларни кенг жорий этиш, ёшларнинг давр билан ҳамнафас яшаши, маданияти ва маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтказиладиган хоналар дарс жараёни учун зарур барча замонавий ўқув қуроллари, тарқатма материаллар, кўргазмали воситалар билан жиҳозланган. Ўқув курсида ўқувчиларнинг билим даражаси ҳар ойда таҳлил қилиб борилади.

— Ёшларимиз кенг дунёқараш ва теран билимга эга бўлиши, замонавий касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаши керак, — дейди 24-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Раъно Эргашева. — ЎзМТДПнинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси айни шу мақсадга қаратилгани учун кўнгилли сифатида қатнашишни ният қилдим. Дарсларни икки гуруҳга бўлиб олиб боряпмиз. Биринчи гуруҳда инглиз тилини энди ўрганишни бошлаганлар, иккинчи гуруҳда эса ўзлаштириши паст ўқувчилар учун машғулотлар ўтилади. Ўқув-курсида ўқувчиларнинг фанни яхши ўзлаштириб олишига кўмак бериш билан бирга, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга ҳам интиляпмиз.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамда Жиззах давлат педагогика институти физика-математика факультети ўқитувчиси Сардор Ўсаровнинг ташаббуси билан "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасида Жиззах шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида ҳам ўқув курси ташкил этилди. Мазкур ўқув курсига 18 нафар уюшмаган ёш жалб қилинди. Унда ўғил-қизлар физика фанини чуқур ўзлаштириш билан бирга, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларига ҳам тайёргарлик кўради.

— Физика фанига жуда қизиқсамда, ўтган йили ўз қизиққан соҳам бўйича олий таълим муассасасига ўқишга киролмадим, — дейди мазкур ўқув курсида таҳсил олаётган Санжар Ҳасанов. — Билимимни янада мустаҳкамлаш мақсадида курсларга боришни режа қилиб юрувдим, лекин истакларим имкониятларимга тўғри келмади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси асосида ўқув курси ташкил қилинганини эшитиб, қувонганимдан, курсга биринчилардан бўлиб ёзилдим. Энди бу имкониятдан унумли фойдаланаман. Ўқитувчимиз Сардор Ўсаровнинг ёрдамида физика фани бўйича барча билим ва кўникмаларимни янада бойитиб, келгусида олий таълим муассасаси талабаси бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман.

Сардор Ўсаров "Хизмат — беминнат" лойиҳасининг энг фаол иштирокчиларидан ҳисобланади. У лойиҳада биринчилардан бўлиб кўнгилли сифатида дарс бериш истагини билдирган. Аҳамиятлиси, 2017 йилда у ташкил этган бепул ўқув курсларида таҳсил олган ёшларнинг бирваракайига уч нафари олий таълим муассасаси талабаси бўлди. Қолаверса, у ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Жиззах вилоят кенгаши лойиҳаларининг ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилишида асосий ташаббускорлардан биридир.

— Ўтган йили ушбу лойиҳа доирасидаги курсларда 13 нафар ёшга таълим бердим, — дейди Сардор Ўсаров. — Бир воқеадан сўнг ўқувчиларим сонини янада кўпайтиришни, инсонларга янада кўпроқ яхшилик улашишни мақсад қилдим. Ўқув курсида таҳсил олиб, олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган бир шогирдимнинг онаси олис тумандан миннатдорчилик билдириш учун келди. Она суҳбат чоғида кўз ёшларини тийиб туролмади. Бу севинч, хурсандчилик ва миннатдорлик ёшлари эди. Менимча, буни ҳеч қандай моддий қиймат билан тенглаштириб бўлмайди.

— "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курсларини ташкил қилганимизда дастлаб "фарзандингизни бепул курсларга ўқишга беринг. Бизнинг мақсадимиз — ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни олий таълим муассасасига кириш имтиҳонларига тайёрлаш" деганимизда, кўпчилик ота-оналар бунга ишончсизлик билан қараган эди, — дейди ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Мингжигит Холбеков. — Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида буни тушунса бўлади. Шу боис лойиҳанинг асл мақсадини кенг жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилдик. Бунинг натижасида ота-оналар ва ёшларнинг лойиҳага бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда.

*Хулоса қилиб айтганда, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув курслари юртимизнинг барча ҳудудида кенг ва самарали йўлга қўйилмоқда. Бунда ЎзМТДП фаоллари асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримиз, аждодларимизнинг бой мероси, халқимизга хос одатлар: савобли иш, беминнат хизмат каби фазилат ва хислатларга таянмоқда.*

*Айни пайтда юртимизнинг барча ҳудудида мазкур лойиҳа доирасида ўқув курслари очилишига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтаётир.*

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири.**
**Улуғбек МУСТАФОЕВ,**
**ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши етакчи мутахассиси**

Депутат билан юзма-юз

***Ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, фойдали юмушларга жалб этиш борасида қилинаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш барча ташкилот қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир.***

# ЁШЛАР МУРОЖААТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Бу жиҳатлар ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ҳамда Шеробод туман кенгаши ҳамкорлигида тумандаги политехника касб-ҳунар коллежида "Депутат билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида ташкил этилган очиқ мулоқотда ҳам таъкидланди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Ёшлар тарбияси барча замонларда ҳам энг муҳим, келажакни белгиловчи масала бўлган ва шундай бўлиб қолади, — дейди партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Азиз Машрабов. — Шу боис ҳам мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратилаётган, уларни юксак салоҳиятли кадрлар қилиб тайёрлаш борасида кенг имконият ва шарт-шароитлар яратилаётган бир пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда келажагимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилмоқда. Жумладан, "Депутат билан юзма-юз", "Уйма-уй", "Хизмат — беминнат" каби лойиҳалар доирасида ёшлар манфаатини таъминлашга, уларга зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ёшларнинг оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, жамиятда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан аҳолини хабардор қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар партия хайрихоҳлари сафининг кенгайишига хизмат қилади. Мазкур лойиҳалар вилоятимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ташкил этилиб, ёшларнинг қизиқишлари ва мурожаатлари ўрганилмоқда, ижобий ҳал этилмоқда.

Юзма-юз мулоқотда ёшларнинг қатор таклиф ва мурожаатлари тингланди.

"Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Шуҳрат Раҳимов коллежда инглиз тили фани ўқитувчиси етишмаслиги, бу эса ёшларнинг чет тилини ўзлаштириши ва тил ўрганишга бўлган эҳтиёжини қондиришда муаммо туғдираётганини таъкидлаб, уни ҳал қилишда амалий ёрдам сўради. Халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Қудрат Асроров мазкур мурожаат юзасидан халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига депутатлик сўрови юбориб, ижросини назоратга оладиган бўлди.

Депутат билан юзма-юз мулоқот чоғида фуқаро Муштарий Акрамова Шеробод туманидаги 54-умумтаълим мактабида тарих ва ҳуқуқ фанларидан мутахассислар етишмаслиги, Сайёра Мамасаидова эса тадбиркорлик фаолиятига қизиқувчи ёшлар учун алоҳида семинар ташкил этишларини сўраб мурожаат қилди. Мазкур мурожаатлар атрофлича ўрганилиб, амалий кўмак бериладиган бўлди.

Шунингдек, ҳудуд аҳолисининг мурожаатларини инобатга олиб "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғини қошида партиянинг "Хизмат — беминнат" лойиҳаси доирасидаги ўқув-курси ҳам ташкил этилди. Мазкур ўқув курсида политехника коллежининг кўнгилли ўқитувчилари физика, математика, тарих, кимё ҳамда биология фанларидан машғулотлар олиб боради.

"Депутат билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида ёшларни ўйлантираётган муаммолар, уларнинг асл сабаби ўрганилди. Мурожаатларнинг аксарияти жойида ўз ечимини топди. Қолган мурожаатлар юзасидан тегишли ташкилот раҳбарларига депутатлик сўрови жўнатилиб, назоратга олинди.

**Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси**

Халқ вакили фаолиятидан

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

## БУГУНГИ КУН ДЕПУТАТИНИНГ АСОСИЙ АЪМОЛИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

***"Очиқ осмон остидаги музей шаҳар", дея таърифланувчи Хива ўзининг бетакрор тарихий ва маданий обидалари, осори атиқалари билан оламга машҳур. Уларни томоша қилиш учун дунёнинг турли бурчагидан сайёҳлар ташриф буюришади. Хиваликлар ана шундай масканда туғилганидан ҳамиша фахрланиб яшайди.***



Мақоламиз қаҳрамони Дилдора Раззоқова ҳам эртакмонанд шаҳарда туғилиб-ўсганидан доимо ғурурланиб, унинг ободлиги, саранжом-саришталиги, бундан-да гўзал бўлиши учун қайғуради. Айниқса, халқ депутатлари Хива туман Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан депутат этиб сайланганидан сўнг олдинда янада улкан ва масъулиятли вазифалари турганини англади. Шунинг учун ҳам Дилдора Раззоқова наинки туман мактабгача таълим бўлими мудири, балки халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тарғибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссия раиси, қолаверса, партия гуруҳи раҳбари сифатида ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. У ўзи сайланган Оқ ёп қишлоғи, Шихлар ва Қибла тозабоғ маҳаллалари ҳудудидаги фуқаролар билан тез-тез учрашиб, уларнинг таклиф ва истаклари, ўй-фикрларини эшитиб, муаммоларини ўрганиб боради. Унинг ташаббуси билан аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларга қулай шароит яратиш, хотин-қизлар ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан жамоатчиликни жалб этган ҳолда ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Биргина ўтган йилги фаолияти давомида аҳоли мурожаатлари асосида ўттизга яқин депутатлик сўровини амалга ошириб, муайян муаммоларни ҳал этишга кўмаклашди. Хусусан, Шихлар маҳалласи фуқаролари мурожаати асосида ушбу ҳудуд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2018 йилги маҳаллий дастурга киритилишига эришилди.

— Мутахассислигим, яъни кутубхонашунослик-библиография бўйича иш топишда қийналаётган эдим, — дейди Шихлар маҳалласида яшовчи фуқаро Зумрад Каримова. — Бу борада депутатимиз Дилдора Раззоқовага мурожаат қилдим. У киши вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига менинг мурожаатим юзасидан депутатлик сўрови юборди. Қисқа муддат ичида мутахассислигим бўйича ишли бўлдим. Ўз меҳнатим билан оиламга, жамиятга фойдам тегиши учун бор куч ғайратимни ишга соламан .

Депутат партия дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, халқ депутатлари Хива туман Кенгаши сессиялари кун тартибига таклифлар, масалалар киритишда ҳам фаол иштирок этади. Жумладан, унинг ташаббуси билан "Хива тумани ҳудудида жойлашган маданий мерос объектларининг ҳолати" ҳамда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масала сессия кун тартибига киритилди. Натижада халқ депутатлари Хива туман Кенгашининг қарори қабул қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

— Бугунги давр эскича тартибда ишлаш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатмоқда, — дейди Дилдора Раззоқова. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида депутатлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, депутат ҳамиша, ҳар қадамда ташаббускор бўлиши, халқнинг дарди билан яшаши кераклигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги фикрлари ҳар қандай кишини янада шижоатли, ғайратли бўлишга ундайди. Аҳоли турмуш фаровонлигига, юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш асосий мақсадимиздир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, айниқса, депутатлар фаолиятининг ажралмас қисмидир. Шундан келиб чиққан ҳолда депутат ҳар чоракда сайловчилар билан учрашув ўтказиб, Ҳаракатлар стратегияси йўналишлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

— Дилдорахон сўз ва иш бирлигига амал қиладиган депутатларимиздан бири, — дейди "Хива тонги" газетаси муҳаррири Шержон Машарипов. — Кенгаш йиғилишларида, сессияларда мустақил фикри, таклифлари ёки бошқаларникига ўхшамайдиган ёндашуви билан ажралиб туради. Оммавий ахборот воситаларида бугуннинг долзарб масала ва мавзуларига оид мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ўйлайманки, ҳар бир депутат ана шундай фаол, қатъиятли ва ташаббускор бўлса, аҳолини ўйлантираётган муаммолар ўз ечимини топади.

Халқ вакили Дилдора Раззоқова юрт равнақи йўлида масъулиятни, ижтимоий бурчини чуқур ҳис этади: ҳали сайловчилари даврасида, ҳали партиянинг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида хонадонларга кириб, муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини излаш билан машғул. Айни пайтда уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, адашган ёшларни тарбиялаш, улар ўртасида маънавий тарғибот ишларини янада кучайтиришни мўлжалламоқда.

**Азамат САФАР,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бугуннинг гапи

# ХАЛҚИМИЗ БЕЛГИЛАГАН ҚЎШТИРНОҚ

## ЁХУД АХЛОҚ ЧЕГАРАСИНИ БУЗГАН(ЛАР)ГА БЕПАРВО ҚАРАБ БЎЛМАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Бироқ ҳеч биримизнинг унутишга ҳаққимиз йўкки, бугун — мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга даврда яшаяпмиз. Камолотга чорлайдиган эзгу таълимотлар билан ёвуз ғоялар ўртасидаги азалий кураш бугун ҳар қачонгидан-да кескинлашиб, ҳар бир инсон, айниқса, ёшларнинг онгу қалбида чуқур акс-садо бермоқда. Бу инсоният тасаввури ва тафаккурининг юксак маҳсулидан эзгулик ё ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкинлигини яна бир карра исботламоқда. Танлов ҳар бир инсоннинг ўзида қолаётганини бот-бот эслатмоқда.

Улар орасида Интернет нақ бозорнинг ўзи: тўғри ҳам, эгри ҳам шу маконга ин қурган, қочган ҳам, қувган ҳам Худо дейди. Турли мақсад ва маслакда, турфа шаклларда тарқатилаётган ахборот оқими орасидан зарур ва фойдалисини топиш — олтин излаб қум элашдай гап.

Кузатувларимиз тарих тажрибасидан ўтган ҳақиқатларни яна бир бор исботлаб бермоқда: сўз эркинлиги муҳити кенгайиши ижтимоий одоб-ахлоқ чегараларини ҳам бузишга олиб келиши мумкин. Бир мисол: инсонда, айниқса, ёшларда шахсий фикрнинг бўлгани яхши, бироқ ҳали оқ-қорани тўла фарқлай олмайдиган, ўз ҳаётидаги муаммони мустақил ҳал қилишга қодир бўлмаган укаларимиз-сингилларимиз компьютер ортига жойлашиб олганча виртуал оламда ўзидан ёши анча улуғ, кўпни кўрган инсонларга "ақл" ўргатишга киришиб кетаётган ҳолатлар ҳам кўп. Айниқса, ижтимоий тармоқларда шундай ҳолларда ёши улуғлар қизиққон, ўйинқароқ, бироқ даъвоси катта укаларимизга босиқлик билан фикр берганда, бу баҳслар, кўп вазиятда, ука-сингилларимизнинг бетўхтов ҳақоратли ёзишмалари билан якун топаётгани таассуфлидир.

Яна бир гап: айрим юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали ҳамма нарсани — уйининг хоналарини қайси рангга бўямоқчи, бугун нима овқат емоқчи, қандай кийим сотиб олмоқчи бўлганигача "виртуал дўст"лар билан бир қур муҳокама қилиб олишга ўрганиб қолди. Чунки бугун ижтимоий тармоқларда маслаҳат берувчилар кўпайган. Маслаҳат олувчилар ҳам кам эмас. Айримларга ҳайронсан: томоғи, оёғи, ошқозони ё бошқа жойи оғрийдими, шифокорга бориш ўрнига, дарҳол ижтимоий тармоққа "фалон ерим оғрияпти, нима қилайлик?", деб маслаҳат солади. Дарҳол "тавсиялару маслаҳат-ўгитлар" кўпаяди. Бироқ шу "ўгитлар"ни ёзаётганлар, ўзи ким? Буни билиб-билмай, айтганини қилганнинг оқибатлари нима бўлади?!

Энг ёмони, ижтимоий тармоқлар орқали оилавий сирларнинг муҳокама қилиниши кенг тус олмоқда. Келинлар қайнонаси ё турмуш ўртоғини, айрим ҳолларда йигитларимиз қайнона-қайнотасини ижтимоий тармоқларда "сазойи" қилдиришга ўрганиб қолмоқда. Шунга кўз-қулоқларимиз ҳам ўргандими, ким билсин, бу мавзулар телекўрсатувларга ҳам кўчиб, экранларга чиқиб кетаётир. Хўш, оиладаги муаммоларнинг уйда, маҳаллада ҳал бўлмаслиги нимага олиб келади? Албатта, шу оилаларнинг пароканда бўлишига. Бир оила тўзиса ҳам бунинг нуқси ва касри маҳаллага, туманга, эл-юртга урмайдими?!

Халқимизда одоб-ахлоққа доир кўплаб тартиблар шаклланган. Буни биров ўйлаб топгани ҳам, жорий қилгани ҳам йўқ. Қонда бўлган, суяк сурмоқда: саломлашиш одоби, юриш-туриш, жамоат жойида ўзини тутиш одоби, оилавий, дўстона муносабатларда, маърака-маросимлардаги одоб-ахлоқ меъёрлари... Хўш, шулардан келиб чиқсак, ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришишнинг одоб-аҳлоқи йўқми? Албатта, бор, бироқ буларни ёшларимизга кимдир ўргатяптими? Яна гап айланиб келиб ўша оилавий тарбияга бориб тақалаверади. Бироқ бугун кап-катта ота-оналар фарзандига ўрнак бўлиш ё оиласи билан маслаҳатлашиш ўрнига ижтимоий тармоқларда "виртуал дўст"лари билан сирлашишга, пичирлашишга, шивирлашишга муккасидан кетаётгани ҳам бор гап. Афсуски, шундай...

Ижтимоий тармоқлардаги бебошвоқлик — "истаган нарсамни ёзишим мумкин", деган ўй-қараш ёшларда манманликнинг тегирмонига сув қуяётгани ҳам айни ҳақиқат. Бу бора-бора ахлоқсизликнинг шаклланишига олиб келаётир. Бир мисол: ижтимоий тармоқларда селфимания хасталигига тўла ёшларимиз кундан-кун кўпаймоқда. Ёки нимадир шов-шув билан виртуал оламда "лайк" йиғишга муккасидан кетиш ҳам шу қадар кучаймоқдаки, бу йўлда инсоний ҳис-туйғуларни четга суриб қўяётганлар сафи кенгайиб бораётир. Дафн маросимлари, автоҳалокатлар пайтида, ёнғин, табиий ё техноген ҳодиса рўй берганда жабрланганларга кўмакка шошилиш, йиқилиб қолган кексаларга ёрдам бериш ўрнига уларнинг ёнида ёки фонида суратга тушиш, андишасизларча видеога олиш ахлоқсизлик ва маънавиятсизликдан бошқа нарса эмас. Инсонийлик туйғуларидан йироқ бундай одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?..

Юқорида ҳам айтдик: бугунги ахборот асрида дунёда текин нарса ёки холис хизматнинг ўзи йўқ. Айнан глобаллашув баҳонасида қайсидир давлатлар ёки қандайдир марказлар дунёнинг бошқа четидаги одамлар мафкурасини ўзгартиришга, уларни ўз ғаразли ғояларига ишонтиришга, бинобарин, уларни ўз ортидан эргаштиришга уринаётгани бор ҳақиқат. Бунга "нишон бўлган" инсонларнинг на миллий қадриятлари, на урф-одатлари ва на ўша юртда яшайдиган инсонларнинг дину диёнати, имон-эътиқоди, хоҳиш-иродаси эътиборга олинади.

Дейлик, яқинда ёшларимиз орасида катта аудитория тўплаган хонандалардан бири хорижда концерт бергани, унинг шоусида ўз жинсини ўзгартириб, эркакдан аёлга айланган бир собиқ юртдошимиз ҳам қатнашгани, хонанда жинс алмаштирган ўша кимсанинг тарафини олиб сўзлагани — уни ҳам тўғри тушуниш кераклигини айтгани ижтимоий тармоқларда катта баҳсга сабаб бўлди. Хонанданинг айтишича, ўша эркакдан аёлга айланган кимса унинг чипталарини сотиб берибди экан. Жинс ўзгартириш масаласига исломий нуқтаи назардан баҳо бериш — уламоларимиз эътиборига ҳавола. Биз эътибор қаратмоқчи бўлган жиҳат — нега хорижда концерт бераётган хонандамизнинг чипта билан боғлиқ ишларига айнан жинсини ўзгартирган собиқ юртдошимиз аралашиб қолгани ва бу ҳолат хориж оммавий ахборот воситаларида жуда батафсил ёритилгани билан боғлиқ.

Бир неча йил олдин дунёда миллионлаб зиёли глобаллашув, айнан, "оммавий маданият" ҳосиласи бўлган "бир жинсли никоҳ", "никоҳсиз-оиласиз яшаш", "ҳайвонлар билан никоҳ"нинг умуминсоний маънавиятни емириши, инсоний ҳаёт тарзини издан чиқариши ҳақида тун-кун жавраётгани фонида нуфузли халқаро мусиқа танловларидан бири — "Eurovision"да австриялик "соқолли аёл"нинг ғолиб, деб топилганини эсласак, аччиқ саволлар ақлни ғижимлайди: нега шундай ҳолатлар, одатда, омманинг эътиборида турган ҳодисалар фонида машмаша кўринишида юзага келади? Ўзи, булар юзага келадими ёки келтириладими? Агар юзага келтирилса, бундан кимларнинг нима манфаати бор? Ёшларимиз, айниқса, қизларимиз қўшиқларини берилиб тинглайдиган хонандаларимиз бундан огоҳ бўляптими? Нима, концертимга чипта сотиб берди, деб дуч келган кимсани мақтайверадими? Бу кетишда эртага бир кун анави чет элда юрган бир жинслилар клуби ҳам бирор хонанданинг концертини молиялаштирса, шуларнинг ҳам тарафини олиб гапираверишимиз керакми?..

Ёки бугун Ватанимиздан кетиб, хорижда юрган яна бир таниқли хонанда аёлнинг сочлари йўқ — боши тап-тақир. Баданини бир пайтлар қулларга урилган тамға — татиуровка босиб кетган. Хўш, шу хонанда сочларини ўстириб-ўриб, атлас кўйлак кийиб қўшиқ айтса нима бўлади? Хорижнинг катта саҳналари унга ёпиладими? Ёпилса ёпилар, лекин унинг шу йўл — миллат маънавиятига болта уриш билан топган пуллари, шон-шуҳратининг Ватан, миллат учун сариқ чақалик қиймати борми?..

Жаҳолат эса дунё ҳаётининг ҳар қадамига таҳдид қилиб турибди. Ижтимоий тармоқларда кенг тарқалаётган дастурлар кўп: суратингизни шу дастурга киритсангиз, сизнинг қайси машҳур инсонга ўхшашлигингиз ёки бир неча йилдан кейин қандай кўринишга эга бўлишингиз кўрсатиб берилади. Буни бир оддий кўнгилхушлик, деб қараш мумкиндир. Бироқ улар орасига ғоявий қуроллар шундай усталик билан киритиладики, ёт "маданият"ни "экспорт" қилаётганлар ҳам аҳмоқ эмаслигига, бунинг учун катта-катта институтлар ишлашига амин бўласиз. Бир мисол: шундай дастурларнинг бири эркакнинг сурати киритилса, аёлбашара қилиб, аёлнинг тасвири юкланса — эркакнусха қилиб чиқариб беради. Бу билан ҳам инсонлар онгига жинсни ўзгартириб кўриш борасида сигнал юбориш мақсад қилинган. Онгга жойланган ҳар қандай истак илдиз отса, бир кун ҳақиқатга айланиши ҳеч гап эмас.

Оддий айтганда, "оммавий маданият" — бу шифокорларнинг бир хил оқ либос кийишидай гап, бироқ бунда қалблар ҳам ўлиб, дидлар ўтмаслашиб, бир хилликка айланса, хатарга айланади. Шунинг учун ҳам бу тушунчани ҳар бир халқ ўзидан келиб чиқиб қўштирноққа олади. **Халқимиз белгилаган қўштирноқ — маънавият ва ахлоқ чегараси демак**. Бунда ҳаддан ошганга бепарво қараб бўлмайди.

Яна бир аччиқ ҳақиқат шуки, Ғарбнинг кучли таъсири остида айрим йигит-қизларимизнинг ҳаётга бўлган муносабатида гедонистик, яъни ҳаёт фақат роҳат-фароғатдан иборат деган қарашлар юзага келаётганини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Бу — ўта хавфли таҳдид. Унинг оқибатида ёшларимизнинг айрим қисмида ҳалол меҳнатга нисбатан беписанд муносабат ва енгил-елпи ҳаёт кечириш, манманлик, фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, худбинлик, ўз манфаатини миллат ва Ватан манфаатидан юқори қўйиш кайфияти кучаймоқда. Энг ёмони, гедонизм ҳолати айрим йигит-қизларда истеъмолчилик кайфиятининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Бугун кун мавзусига айланган, матбуотда, катта-кичик тадбирларда бот-бот такрорланаётган оилавий тантаналар, тўйлардаги дабдаба, исрофгарчилик — бу борада ахлоқ-одоб мезонларини унутиб, ўзларининг жамиятдаги мавқеи, бойлигини кўрсатиб қўйиш каби худбин мақсадлар, қадриятларга беписандлик, ёш оилалардаги низоли вазиятлар, ажримлар каби салбий иллатларнинг илдизини ҳам шундан излаш керакдай назаримизда.

Шу ўринда буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоевнинг 1894 йили ёзилган ва ҳали-ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган ушбу шеъри ёдга тушади:

*Баъзи ўсмир замондошлар хафа қилар,*
*Уқуви йўқ ҳар қадамда хато қилар.*
*Ор-номуси, тоқати йўқ, ишончи йўқ,*
*Тайини йўқ, фақат кайфу сафо қилар...*
*Бундай ёшлар ўз юртини кўрнамаги,*
*На ўқийди, на бир ҳунар ўрганади.*
*Меҳнат қилмай, бир амаллаб мол топмоқчи,*
*На имону на инон бор, сургалади...*

Айнан мана шу истеъмолчилик кайфияти — жамиятда жиноятчилик сонининг ошишига олиб келувчи асосий омиллардан бири. Нотўғри қараш — қандай қилиб бўлса ҳам бой бўлишга, пулдор бўлишга, ялло қилиб яшашга интилиш одамни қоидаларни бузишга ундайди. Узумини еганда, боғини суриштирмасликка одатлантиради.

Афсуски, бундай мисоллар етарли, саволлар кўп. Бироқ савол беришни билган одам унга ўзи ҳам жавоб излаб кўриши керак. Яна Абай Қўнонбоевга юзланамиз:

*Ёшликдан билим излаб югурмадим,*
*Хайрин билдим, бироқ, юз ўгирмадим.*
*Улғайганда қарасам қўлим қуруқ,*
*Кечикиб қўл чўздиму, улгурмадим.*
*Билимсиз қолганимга ким гуноҳкор?*
*Изласам бўлармидим мунчалик хор?*
*Одамзод тасаллиси фарзанд экан,*
*Фарзандимни билимга қўймадим зор...*

Дарҳақиқат, ҳамма замонда ҳам ўқиган, уққан фарзандлар одобли-ахлоқли, билими ва тафаккури юқори бўлади. Дунёнинг бугунги мафкуравий манзарасида пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф қилиш учун, бизнингча, аввало, жамиятимиздаги соғлом маънавий кучларни янада жипслаштириш лозим. Президентимиз бежиз ишни халқ билан мулоқотдан бошламади. Демакки, ёшларимиз билан ўзимиз мулоқотда бўлмасак, илм ўзанига йўналтирмасак, бунинг ўрнига четда пайт пойлаб турганлар мулоқотга киришади ва бунинг учун улар аллақачон ижтимоий тармоқларда қармоқлар ташлаб қўйган.

Барча соҳа бўйича аниқ стратегик концепциялар ишлаб чиқилди, бироқ ижодкор зиёлиларимиз, қўлимизни кўксимизга қўйиб айтишимиз керак, ҳали ҳам эскича ишлаш тарзидан нари ўтиша олмаяпти. Инсоният адабиётни жаҳолатга қарши кураш учун ўйлаб топган экан, зиёлиларимиз — ёзувчи-шоирлар, маънавиятчилар, уламолар ижтимоий тармоқларни тўла эгаллаш фурсати аллақачон етди. Ҳар бир сўзимиз, ёзган ҳар жумламиз четдан кириб келаётган мафкуравий хуружга қарши қалқон бўлиб, фарзандларимизнинг онг шуурини, қалбини ҳимоя қилишга ярасин. Токи, ёшларимиз ўзини қийнаётган саволларни уларга берсин, четдан жавоб ҳам, имдод ҳам кутмасин.

Қолаверса, Интернетдан фойдаланаётган ҳар бир инсон ўзида яхши маълумотларни олиш ва эшитиш, зарарсиз ахборотларни қабул қилиш кўникмасини шакллантириши лозимлигини бугунги глобаллашув шароити тақозо этмоқда. Шу боис, ахборот асрида одамлар, айниқса, ёшлар у ёки бу информацияларни қабул қилишдан аввал ўзига "Бу ахборотни ким тарқатмоқда?", "Нима учун узатаётир?", "Қандай мақсадни кўзламоқда?" деган саволларни бериши керак. Йўқса ҳавойи, ёлғон гаплару ахборотларга ишониб, ўзлигини унутиб, ақидапарастларнинг тузоғига илиниб қолиши мумкин.

Сирасини айтганда, бугун Ер юзидаги инсониятнинг катта қисми фақатгина моддий эҳтиёжларини қондириш билангина овора. Бу, албатта, уни одамийликдан узоқлаштиради. Бундай инсонларда фарзандига эътибор, унинг маънавий дунёси билан қизиқишига бўлган вақти кам бўлади. Бу ёмон ниятли кимса ва гуруҳлар учун айни муддао. Жамиятни, хусусан, ёшларни асраш учун, аввало, ҳар бир оиладаги муҳит яхшиланмас экан, вазият яхши томонга ўнгланмайди.

Мавжуд вазиятнинг реал ҳақиқати шуки, инсоннинг бундай шаклда ўз қиёфасини йўқотиб бориши ўз-ўзидан маънавий қулликка етакламоқда. Бу шундай бир жараёнки, натижада инсонда ташқи оламга бўлган қизиқиш буткул йўқолади. Инсонни англаш, борлиқни тушуниш, ҳаётнинг маъно-мазмуни англамаслик, англаш учун ҳатто ҳаракат ҳам қилмаслик, ҳамма нарсани худди карра жадвалидек қабул қилиш кайфияти инсонни "оммавий маданият"нинг қурбони бўлиш учун замин яратмоқда.

Бунга йўл қўйиш — ўзимиз ўтирган шохнинг арраланишига бепарво қараб туриш демак. Бунга йўл қўйишга эса ҳаққимиз йўқ. Шундай бўлгач, бугун хотиржамликка берилмасдан, одамлар виждонини уйғотадиган, маънавий уйғоқликка чорлайдиган, ҳалоллик, фидойиликка ундайдиган янги изланишлар сари отланмасак, халқимиз ҳам, Президентимиз ҳам, тарих ҳам бизни кечирмайди.

**Беҳзод НОРБОЕВ**

Семинар-тренинг

***Бугун мамлакатимизда 1 минг 560 дан ортиқ давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Улар нафақат олиб борилаётган ислоҳотларнинг тарғиботчиси, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, адолат ўрнатиш жараёнида фаол қатнашчига ҳам айланмоқда.***

# ШАХС ҚАЧОН СУДЛАНГАН ҲИСОБЛАНАДИ?

Бу ҳақда Адлия вазирлиги "Инсон шаъни, қадр-қиммати — оммавий ахборот воситалари нигоҳида" мавзуида ўтказган семинар-тренингда сўз борди. Унда Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратура, Олий суд, Юристлар малакасини ошириш маркази масъул ходимлари иштирок этди. Тадбирда мамлакатимизда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши оммавий ахборот воситаларининг ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини халқимизга етказишдаги ролини янада оширгани таъкидланди.

— Қонунчиликдаги янгиликларни одамларга етказиш, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришда журналистлар энг фаол тарғиботчи саналади, — дейди Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири Бобоқул Тошев. — Соҳа вакиллари фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва обрўсини таҳқирлаш ёки шахсий ҳаётига аралашиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим. Оммавий ахборот воситаларини кузатиш жараёнида сўнгги пайтларда уларнинг айримлари шов-шув ортидан қувиб, жойлардан олинаётган ахборотнинг манбаини чуқур текширмаётгани, материалларда ҳуқуқий термин ва атамаларни нотўғри талқин этаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бу, ўз-ўзидан, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа идораларининг эътирозига сабаб бўлмоқда.

Интерактив мулоқот шаклида бўлиб ўтган семинар-тренингда амалиётда учраётган мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш мақсадида соҳага оид қонунчилик асослари ва қонунга киритилган ўзгартиришлар, қай ҳолларда ОАВда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини айбдор сифатида кўрсатиш мумкинлиги ҳақида маълумот берилди. Шу билан бирга, соҳани ёритишда учраётган мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди.

Семинар-тренингда таъкидланганидек, Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ шахс жазо тайинланган айблов ҳукми кучга кирганидан сўнг судланган ҳисобланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда белгиланган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз деб тан олинади. Лекин шундай бўлса-да, баъзи ОАВда суд ҳукми билан ҳали айбдор деб топилмаган шахсни айбдор сифатида кўрсатиш ҳоллари учрамоқда. Мавжуд муаммолар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга нисбатан жамиятда нотўғри фикр шаклланиши ва келгусида бу соҳада амалга ошириладиган ислоҳотларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтказилган тадбир якуни бўйича журналистлар учун қўлланма тайёрланиб, таҳририятларга тарқатилади.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Тадбир

# ТИББИЁТ РИВОЖИДА

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ РОЛИ

***Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий муассасаларни қуриш, реконструкция қилиш, уларни малакали кадрлар ва замонавий тиббий ускуналар билан таъминлаш борасида кенг қамровли ва изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимига фан ва таълим технологияларини кенг жорий қилишда имкониятлардан тўлақонли фойдаланишга, фан ютуқлари, ривожланган хориж тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилишга эътибор кучайтирилаётир. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.***




Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмасининг навбатдаги йиғилишида шу ва бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди. Бугун 20 дан ортиқ доимий аъзосига эга уюшма импорт ўрнини босувчи, замонавий, арзон ва сифатли, ишончли тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш ва уларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келмоқда.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш ва бож-тариф назоратини такомиллаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ва бож-тариф назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини бугун кенг жамоатчилик қизғин муҳокама қилмоқда.

Ўзбекистон тиббиёт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмаси ҳам мазкур қарор лойиҳасига доир ўз таклифларини ишлаб чиққан. Ўзбекистонда тиббиёт техникаси ишлаб чиқарувчи корхоналар учун ягона ижтимоий тўлов солиғида имтиёзлар жорий этиш, маҳсулотларни рўйхатдан ўтказишда амалдаги 180 кунлик муддатни 60 иш кунигача қисқартириш, қайта рўйхатдан ўтказиш муддатини эса 5 йилдан 10 йилгача узайтириш, юртимизда ва чет давлатларда бўладиган тиббиёт соҳасига оид кўргазмаларда уюшма аъзоларининг иштирокини доимий таъминлаш ва тўлов пулларига имтиёзлар жорий этиш, тиббиёт техникаларининг тайёрланишида ишлатиладиган зарурий бутловчи хомашёларни юртимизга олиб киришда божхона тўловларида имтиёзлар жорий этиш, юртимиздаги тиббиёт муассасаларини жиҳозлашда ўтказиладиган тендер ҳужжатлари талабларини маҳаллий тиббиёт техникаси ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш ҳамда тендер танловларини мақсадли ўтказиш каби таклифлар шулар жумласидандир.

Тадбирда уюшма фаолияти таҳлил этилиб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

**И. НОРМАМАТОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
14 (498) 2018 йил 4 апрель, чоршанба

**9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун**

# МИНГ ЙИЛЛАРНИ ЁРИТАЁТГАН НУР

***Давлат мустақиллиги эълон қилиниши арафасида юртимизда бир эпкин кезиб ўтганди: 1991 йил 1-20 август кунлари “Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб” ёшлар сафари уюштирилганди. Экспедициянинг ўн беш аъзоси Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларини айланиб, Амир Темур номи билан боғлиқ жойларни зиёрат қилиб келган, сафар таассуротлари ёшлар газетасида муттасил эълон қилиб борилганди. Бу саъй-ҳаракат буюк бир ўзгаришдан мужда экан гўё. Орадан кўп ўтмай, неча юз йиллар кутилган кунлар насиб этди, фахрли аждодимиз номи бутунлай оқланди, унга ҳайкаллар қўйилди, музей ташкил этилди. Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ амаллар турмушимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади...***



Таниқли ёзувчи ва журналист Ҳаким Сатторий ўша сафарга туртки бўлган дастлабки мақолани ёзган, экспедицияни ташкил этишда фаол қатнашган ва иштирок этганди. Ўтган йиллар давомида у мазкур мавзуда “Хотира карвони”, “Амир Темур севган юрт”, “Олтин силсила”, “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Соҳибқирон абадияти”, “Солнома” каби китобларини нашр этди, ҳужжатли ва бадиий фильм сценарийларини ёзди. Суҳбатда мавзунинг янги қирралари ҳақида сўз боради.

**— Ҳаким ака, неча юз йиллардан буён турли тилларда Соҳибқирон Амир Темур ҳақида асарлар яратилмоқда. Бу ҳолнинг боиси нима?**

— Ҳақиқатан, буюк ватандошимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти ҳар қандай чегараларни маҳв этиб, умуминсоний, сайёравий кўлам касб этган. Бу мерос дунёнинг тараққиёт кириб борган барча нуқталарида ўрганилаётир, амалий фаолиятларда фойдаланилмоқда. Энди бундай мавқе касб этган фикрнинг салмоғини чамалаб кўрайлик. Зулматни парчалаш учун зарур бўлган ёруғликнинг кучи унинг ички энергияси билан белгиланади. Гугурт бир лов этиб учади, қуёш эса абадий нур сочиб туради. Уларнинг фарқи ички қувватида. Фикрнинг оламшумуллиги эса унинг ҳаётийлигида. Агар одамлар кундалик тирикчилигида ўша хазинага қайта-қайта мурожаат этиш эҳтиёжини сезар экан, демак, унинг боқийлиги таъминланган, ички қуввати сўнмас. Бу фикрнинг исботини ҳозирги кундаги дунёнинг сиёсий аҳволини кўз олдимизга келтириб тасдиқлашимиз мумкин: Амир Темур фаолият кўрсатган йилларда ер юзида мутлақ тинчлик таъминланган, ички низолар бартараф этилган. Бундай осуда ҳаёт тарзи эса юксак тараққиётга йўл очган. Агар қирқ йилдан ортиқ давр мобайнида тинчимаётган Афғонистон, эндиликда Сурия, Ироқ ва Мисрда рўй берган бўҳронларни назардан ўтказсак, инқирознинг олдини олиш ёки унга ечим топиш қанчалик қийинлигини тасаввур этса бўлади. Амир Темур ҳазратлари бундай муаммоларнинг ўша замонга мос ечимларини топа олганди ва гуллаб турган шаҳарларнинг емирилишига, миллионлаб одамларнинг хонавайрон бўлишига йўл қўймаганди. Мабодо бу юмушлар ҳали халқаро ташкилотлар мавжуд бўлмаган, имтиёз фақат жисмоний куч билан таъминланган ўрта асрларда адо этилганини ҳисобга олсак, Соҳибқироннинг инсоният олдидаги хизмати яққолроқ намоён бўлади. Худди шу ҳолни эътироф этиб, 1996 йилда Тошкентда ўтган халқаро конференцияда Германиянинг Трепр университети профессори Клаус Пандер шундай деган эди: “Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил пасайиб бораётган ҳозирги шароитда ҳам Амир Темур бўлганда, барча муаммоларга ечим топарди”.

**— Бу мавзуда айтилмаган сўз қолганми?**

— Дарҳақиқат, Соҳибқирон ҳақида дунёнинг қарийб саксон фоиз аҳолиси сўзлашадиган қирқдан ортиқ тилларда асарлар ёзилган. Шу билан гўёки ҳамма юмуш уддаланганга ўхшайди. Афсуски, ундай эмас. Ҳали бобокалонимиз ҳаёти, фаолияти, таълимоти ҳақида асосий гаплар айтилгани йўқ, менинг назаримда. Бу ҳақдаги мулоҳазалар анча узоқ, шу ўринда бир далилни эслатиш ўринли. Тўғриси, ҳали бобомизнинг таржимаи ҳолига доир маълумотлар тўла ўрганилмаган ёки жаҳон тарихи кўзгусида қиёсий таҳлил этилмаган. Айниқса, Темурбекни улғайтирган, уни катта ҳаёт саҳнасига олиб чиққан муҳитнинг шарҳи қаноатланарли даражада эмас. Мана, битта унсур. 1360 йилда ота вафот этгач, оиланинг аҳволи қандай кечган? Ҳолбуки, бу даврда Темурбек икки ўғилнинг отаси, теварак-атрофда анча баланд нуфузга эга бўлган бекнинг меросхўри эди. Амир Темурнинг тахтга чиққангача ўтган ўн йилдан кўпроқ ҳаёти нақадар таҳликали, зиддиятларга тўла бўлгани аниқ. Шундай шароитда оиланинг хавфсизлиги қандай таъминланди, улар қаерда жон сақладилар? Негаки, атрофда ёв изғиб юрар, унинг назаридан бирон пучмоқ холи эмас эди. Шуларни ўйлаганда, бир тахмин, аниқроғи, фараз ёдга келади.

Маълумки, Яккабоғ тумани ҳудудида, хилват тоғлар қуршовида Амир Темур номи билан юритилувчи ғор бор. У жойлашган дара “Қалъайи шерон” (халқ тилида “Қалайиширон”), яъни “Шерлар қалъаси” деб аталган. Шу дара яқинида “Ғўлмараша”, “Кичик қалъа”, “Бовурчи” деган кўплаб жойлар бўлган. Қўл етмас манзилларда ўзида бир сирлилик ташийдиган сўзларнинг учраши кўнгилда иштибоҳ туғдиради. Яна ғорга энг яқин Тошқўрғон қишлоғининг рўпарасида “Қўрғон” деган манзил бўлиб, унинг тепасида футбол майдончалик кенг текислик мавжуд. Шу жойда иморатлар тагзаминининг ўрни (балки қўрғон қолдиқлари) аниқ билиниб туради. Тепаликнинг пасти қўл кафтининг чуқурлигига ўхшаб турар, унда табиий сувлар тўпланиб, кўл ҳосил қилганди. Диққатни тортадиган томони — Қўрғон бошидан кўлга томон минг қадамлар нишаблик қовун тилигидек чўкиб ётарди (бу из ҳамон сақланиб қолган). Тахмин қилиш мумкинки, Қўрғондан кўлга сув олиш учун ер ости йўли кавланган, у йиллар ўтган сари чўкиб, ўрни новдек бўлиб қолган. Албатта, бундай мукаммал иншоот ёвдан сақланиш учун бунёд этилган ва уни қуриш катта куч талаб этган. Бошқа белгилар — кун ботиш томонда Масхара (аслида “Машҳара” — кузатувчилар маскани, улар олов воситасида ёвдан дарак берган) чўққиси, кун ботишга қараб оқадиган дарё ўзанида пишиқ ғиштдан ишланган яна бир кузатув маскани қолдиқлари (ундан Масхара кўриниб турган) мавжудлиги бу жойда узоқ йиллар барқарор яшалганини тасдиқлайди. Мантиқ кўрсатадики, ўн йиллар давомида ўт кечиб, ёвнинг додини бериб юрган Амир Темурнинг аҳли оиласи шу хилда муҳофаза қилинган, назардан йироқ, осойишталиги таъминланган ҳудудларда яшагандир. Албатта, бу фараз кўплаб тадқиқотлар билан исботланиши лозим. Умуман, юртимизнинг исталган ҳудудида бундай табаррук, ўз бағрида теран тарих асрорларини сақлаб келаётган манзиллар кўплаб топилади. Ҳозирча, уларни тадқиқ этиш фақат орзу бўлиб турибди...

**— Ҳазрат Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида Соҳибқирон бобомизга *“агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда ўқубдирларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”*, деб таъриф берилади. Шу ўринда буюк шоирнинг темурийларга бўлган муносабати ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— “Мажлис”нинг давомида Алишер Навоий ҳазратлари “Ҳоқони Саид Шоҳруҳ Мирзоким...” деб бобокалонимизнинг тўртинчи ўғиллари Шоҳруҳ Мирзонинг шеърий истеъдодига баҳо беради: “...авлоди ва амжод орасида Соҳибқирон отасининг қойим мақоми бўлди. Ҳам назмга машғуллуқ қилмас эрди, аммо хўб байт ва яхши сўзлар кўп ул ҳазратдин ҳам воқеъ бўлур эди”. Ана шундай латиф сўзлар билан мадҳ этгач, бир воқеани келтиради ва мулоҳазаларини тагдор бир гап билан якунлайди: “Анингдек отадин мундоқ ўғул ҳеч ажаб эмас”. Шу қисқа ифодада буюк шоирнинг темурийларга қанчалик меҳри, эътирофи акс этиб турганини тушуниш қийин эмас.

Албатта, темурийлар хонадонида тарбияланган кўплаб шаҳзода ва маликаларнинг ноёб иқтидор эгалари бўлиб етишгани хусусида жаҳон афкор оммаси кўп ва хўп фикр юритган. Уларни такрорлашдан тийилган ҳолда бир фикрни қайд этиш жоиз: темурийларни улғайтирган оилавий таълим-тарбия (педагогика)нинг сирларини инкишоф этиб, қанийди, ҳар бир ўзбек хонадони ўз фарзандларига тадбиқ этса, шунда яна кўплаб Улуғбеклар, Алишерлар, Бобурлар дунёга келган бўларди.

Амир Темур ва Алишер Навоий жуфтлигининг ўзаро вобасталиги эса ҳали ўрганилмаган мавзулардан бири. Албатта, тарихимизнинг бу икки сиймоси гарчи бир-бирини кўрмаган бўлса-да, уларнинг бутун маҳобатини айрича тасаввур этиш мумкин эмас: Амир Темур миллатимиз шон-шарафини кўкларга кўтарган алп бўлса, Алишер Навоий Амир Темур чаманининг бир муаттар гули, “сўз мулкининг Соҳибқирони”дир. Қолаверса, буюк давлат арбоби сифатида Амир Темур ўтказган ислоҳотларнинг қанчалик дуркун мева берганлигига Алишер Навоий ижоди, жаҳон маданиятидаги мавқеи жонли далил. Ҳар бир миллатнинг тарихидаги буюк шахслар ҳақида гап кетганда, экспертлар унинг хатти-ҳаракати ўша миллат тараққиётига қанчалик таъсир этганини тарозига қўяди. (Дейлик, яқин ўтмишимизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа истеъдодларнинг юзага чиқиши йирик давлат арбоби Шароф Рашидов фаолияти билан боғлик бўлганидек). Масалан, руслар учун Буюк Пётр ислоҳотларининг ёрқин меваси сифатида Александр Пушкин тилга олинади, рус халқи бу далил билан фахрланади. Биз ҳам буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг тарихий хизматлари ҳақида гап кетганда Мирзо Улуғбек билан бирга Алишер Навоийни қайд этишга ҳақлимиз. “Алишер Навоий ким?” деган сўроққа “Амир Темур салтанатининг ижоди” деб жавоб қайтариш тугал ўринли. Негаки, Улуғбек, Навоий сингари буюк зотларни дунёга келтирган тамаддуннинг тамал тошини Амир Темур ҳазратлари бостирган, маърифат чироғининг пилигини ҳам ўзи кўтариб қўйган. Агар бошқа ўлчовлар орқали Пушкин ва Навоийни таққослайдиган бўлсак, масаланинг яна янги қирралари намоён бўлади: у Пётр вафотидан 74 йил ўтгач, оламга келган. Алишер Навоийни эса 36 йилдан кейин Яратган дунёда бор этган. Демак, Амир Темур эккан ниҳоллар тезроқ мева берган. Бу икки буюк зотнинг мавқеига дахл қилмаган ҳолда, уларнинг ижод ва фаолият кўламини таққослаганимизда ҳам ютуқ биз тарафимизда бўлади...

Албатта, бундай теран ҳақиқатларни инкишоф этишга мустақиллик йўл очди. Шунгача кўплаб "алаҳсирашлар" бўлгани бор гап ва бунинг оқавалари ҳамон давом этаяпти. Мабодо темурийлар вақтини шароб ичиш ёки қўчқор уриштириш билан ўтказганида, бундай юксак мавқе ҳақида гап ҳам бўлмасди. Тилнинг суяги йўқ-да, фақат ҳақиқатни тан олишни ҳам билиш лозим. Мавриди келиб қолди, бир пайтлар (1948 йил) мафкура тазйиқи билан суратга олинган “Алишер Навоий” бадиий фильмини такрор-такрор кўрсатиш нимага зарур бўлиб қолган? Балки у ўз даврида қандайдир мақсадларга хизмат қилгандир, ҳолбуки, у бугунги кунда ярғучоқ ёки мойчироққа ўхшаб архаик матоҳга айланди. Унда на тарихий адолат, на миллат маданиятига ҳурмат мавжуд. Масалан, Ҳирот учун катта офатга айланган кимса сифатида акс эттирилган Ёдгор Мирзо бор-йўғи 19 йил умр кўрган ўсмир бўлган. Энди бу масалаларда қарашларни ўзгартириш лозим.

**— Тарихий мавзуда етук асар яратиш учун адибда истеъдоддан ташқари чуқур билим ва юксак дид бўлиши керак. Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ роман, қисса ва назмий асарлар жуда кўп. Бироқ уларнинг ҳаммасида тарихий ҳақиқат юз кўрсатган дейиш қийин...**

— Мустақиллик йилларида фахрли аждодимиз шахсиятига қарашларнинг ўзгариши билан бир ҳолга гувоҳ бўлиш мумкин: ҳозиргача дунё фикр оламини ўзига мафтун этиб келаётган Амир Темур шахсияти юртдошларимизни ҳам бепарво қолдирмаяпти, бу зотнинг оҳанрабодек жозибаси уларнинг қалбида фахр-ифтихор ҳисларини жўштириб, кўпчиликни шоир-ёзувчига айлантириб юбораяпти. Шахсан ўзим ўн-ўн беш минг мисра назм тизиб қўйган 5-6 кишини биламан. Бу ҳолдан ифтихор қилиш, қувониш лозим. Бизга ҳам ўз буюкларимиз билан мақтаниш насиб этар экан-ку. Бироқ масаланинг бир нозик жиҳати бор. Биз билиб-билмай қилган саъй-ҳаракатларимиз билан буюк боболаримиз шахсиятига заха етказиб қўймаслигимиз даркор. Негаки, уларнинг ҳозиргача ёлғон, туҳмат, бўҳтонлар остида қолиб келгани етади. Ноўрин мақтов ҳам, агар у ҳақиқатга хизмат қилмаса, ёлғон ҳисобланади.

Айни пайтда истеъмолда бўлган, кейинги йилларда нашр этилган китобларни ўқимай, манзума ёки достон ёзиш ҳоллари тез-тез учраяпти. Амир Темур ҳақида маълумотлар шунчалик кўпки, бир йирик олим қайд этганидек, тадқиқотчилар уларнинг хилма-хиллигидан иккиланиб қолади. Ҳар бир чекилган ҳарф эса фақат тарихий адолатга хизмат қилиши лозим. Энди олдин йўл қўйилган хатоларни такрорлашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Изланишлар натижасида кўплаб янги маълумотлар аниқланмоқда. Хато фикрларга тузатишлар киритилмоқда. Демак, олдин нашр этилган китоблардаги мавҳумликларни қайта нашрларда тўғрилашга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Француз тадқиқотчиси Люсьен Керен юртимизда бу мавзу қатағон қилинган йилларда китоб ёзиб, улкан маънавий жасорат кўрсатган эди. Яқинда “Амир Темур салтанати” китоби нодир бир кўринишда қайта нашр этилди. Унда тарихий далилларнинг танқислиги туфайли чалкашликларга йўл қўйилган (масалан, Султон Ҳусайн набира эмас, жиян, Ўтрордаги воқеа 18 февраль эмас, 19 январь тарзида кўрсатилгани сингари). Афсуски, ўша пайтда йўл қўйилган чалкашликларга на изоҳ берилган, на тўғриланган. Бундай ҳоллар эса китобхонни чалғитиши бор гап. Очиғи, баъзан бошқа халқларнинг ёзувчилари ижодида Амир Темур шахсиятини ўз миллий манфаатларига хизмат қилдириш тенденцияси кўзга ташланмоқда. Ҳолбуки, бу зот ҳақида сўз юритганда, бошқа миллатлар тарихи, маданиятига чуқур ҳурмат сақлаган, уларни камситмаган ҳолда ёндашиш лозим, негаки, бобокалонимизнинг буюк, беназир шахсиятида одамларнинг миллати, диний эътиқодига қараб фарқлаш ҳоллари умуман учрамаган. Ёки ул зоти шарифни бошқа бир мўътабар шахсга тенглаштириш ҳам инсофдан эмас. Амир Темур шахсияти такрорланмас ва у фақат ўзига ўхшайди. Умуман, бобокалонимиз бундай сунъий илтифотларга муҳтож эмас, унинг чўнг мероси ҳар қандай талаб ва синовга дош беради.

Албатта, бу давр тарихи, буюк шахслар ҳақида фикр юритиш чуқур ва атрофлича билимни, энг янги маълумотлардан бохабарликни, ёрқин ижодий мақсадга эга бўлиш — гап миллий қадриятимиз, шон-шарафимиз ва ифтихоримиз ҳақида кетаётганини чуқур ҳис этишни талаб қилади.

**“Milliy tiklanish” мухбири**
**Мухторбек АБДУЛЛАЕВ суҳбатлашди.**

---

**Миллий ғурур**

***Сўнгги вақтда оммавий ахборот воситаларида, Интернетда энг кўп тарқалган хабар — самарқандлик Моҳинисо Шомуродованинг Президент совғасини қўлга киритгани ҳақида бўлди. Совға ҳам чакки эмас — “Спарк” автомашинаси. Очиғи, шу пайтгача китоб ўқиган одамга бунақа совға берилмаган.***

# КИТОБ ЎҚИБ, “СПАРК” ЮТГАН ҚИЗ



Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори кўҳна тарихнинг ўзгармас ҳақиқатини яна бир бор намоён қилди: китоб — ақл чироғи, дилларни бирлаштирувчи, ҳаёт мағзини чақишда асқотадиган, яхшилик уруғини сепувчи мўъжиза, йўлларни ёритгувчи машъал. Мутолаа эса кўнгил ороми, китобхонлик маданияти инсон ақл-заковасининг олий чўққисидир.

Давлатимиз раҳбарининг қарори ижроси доирасида 2017 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Ёш китобхон” танловини эълон қилган эди. Шу кунга қадар туман ва вилоят босқичлари самарали ташкил этилиб, энг муносиблар республика босқичига етиб келди. Республика беллашуви 4 шарт бўйича бўлиб ўтди. Унда самарқандлик Моҳинисо Шомуродова энг кўп — 252 балл тўплашга эришди.

Моҳинисо Нарпай туманидаги 17-мактабнинг 10-синфида таҳсил олади. Ёшлигидан адабиётга, китобга ўзгача меҳр қўйди. Оиладаги маънавий муҳит, мўъжазгина кутубхона, ундаги мумтоз адабиёт, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари Моҳинисони маънолар оламига етаклади. Китобни дилдан севди ва унга дўст тутинди.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашарканмиз, унинг орзу-умидлари бир оламлигини, дунёга ўз нигоҳи билан боқаётганини, ўқимишли, маърифатли бўлишга иштиёқи кучли эканини англадик.

— Китоб ўқисам, унинг ичига бутқул шўнғиб кетаман. Бу менга китобда тасвирланган ва келтирилган ҳар бир детални эслаб қолишимга ёрдам беради, — дейди Моҳинисо Шомуродова. — Бизнинг ўз оилавий анъанамиз бор: ҳар ким мўъжаз бўлса-да шахсий кутубхонасига эга. Кечки пайт оила даврасида ота-онам бошчилигида ўқиган китобларимиз ҳақида суҳбатлашамиз, баҳсга киришамиз, фикр алмашамиз.

Дастлаб мактаб, туман миқёсида ўтказилган “Билимлар беллашуви”, фан олимпиадаларида иштирок этиб, ғолиб бўлган Моҳинисо кейинчалик катта танловларда қатнаша бошлади. Бунда, албатта, устозларининг хизмати беқиёс. Шогирдининг ўй-фикри билан қизиққан, тўғри маслаҳат бера олган устоз бугун меҳнатининг рўёбидан мамнун.

— Бола, аввало, оиладаги муҳит таъсирида улғаяди, — дейди унинг устози Сария Сатторова.

— Моҳинисо юксак маънавий муҳитда камол топмоқда. У юқори синфга қадам қўйган кезлариданоқ доим қўлида китоб қўлтиқлаган, оламга теран нигоҳ билан боқадиган ҳолатда тасаввуримга муҳрланган. Шу боис у билан якка тартибда шуғуллана бошладим. Моҳинисонинг бошқалардан фарқли яна бир жиҳати шуки, ўқимоқчи бўлган китоби ҳақида, албатта, маслаҳатлашади. Ўқиб бўлганидан сўнг ўз фикрлари билан ўртоқлашади.

Моҳинисо шу кунга қадар олти юздан ортиқ китобни мутолаа қилиб улгурди. Бу 17 ёшли ўсмир қиз учун, албатта, яхши натижа.

Китобга меҳр қўйиш, уни улуғлаш инсон маънавиятини юксалтиради. Бунга биз Моҳинисо Шомуродова мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

— Танловнинг республика босқичи жуда ҳаяжонли кечди, — дейди Моҳинисо. — Шартлар ҳам қизиқарли, ҳам залворли бўлди. Китоб ўқиб, Президентимиз совғаси — “Спарк” автомашинасини ютиб олиш хаёлимга ҳеч ҳам келмаган. Аслида гап совға ёки рағбатнинг қандайлигида эмас. Ҳамма гап сизга уни ким бераётганида. Бу — Президентимиз ишончи. Ишончни ўзимда қолдирдим-да, “Спарк” автомашинасини дадамга совға қилдим.



Бу оилани муқаддас санаган, китобга меҳр қўйган ўзбек қизи, мактаб ўқувчисининг дилдаги самимий гапи.

— Фарзандим ёшлигидан китоблар дунёсида улғайди, — дейди Шавкат Дўланов. — Онаси билан бирга қўлимиздан келгунча имконият яратишга ҳаракат қилдик. Фарзандим шу ёшида совриндор бўлиб, автомашина эгаси бўлгани, уни менга совға қилганидан кўзимда севинч ёши қалқди. Илм ортидан келган туҳфа мана шундай тотли бўлар экан...

“Ёшликда олинган билим — тошга ўйилган нақш кабидир”, деган ҳаётий ҳақиқат Моҳинисо сингари ёшлар тимсолида ўз тасдиғини топаётир. Келажакда Моҳинисо Шомуродова Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ўқишга кириб мамлакатимиз равнақи йўлида ўз ҳиссасини қўшишни ният қилган. Бугун мактаб ўқувчиси китоб мутолаа қилиб, Президент совғасини қўлга киритган бўлса, келажакда олган билими, тафаккури, салоҳияти билан дунё аҳлини ҳам лол қолдириши, Ватанимиз ва жаҳон халқлари ўртасида муносиб ”кўприк”, жамиятда ўз ўрнига эга шахс бўлишига ишонамиз.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**“Milliy tiklanish”мухбири**

---

**ММMда**

# ЯНГИ ФИЛЬМЛАР СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

***Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилда кино ижодкорлари билан икки маротаба учрашиб, соҳа мутахассисларига аниқ таклиф ва тавсияларини берди, улар зиммасига муҳим вазифалар юклатилди.***

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида ўтказган матбуот анжуманида таъкидланганидек, жорий йилнинг биринчи чорагида давлат буюртмаси асосида 11 бадиий, 5 мультипликацион, 11 ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар, “Зумраша” болалар юмористик киножурналининг иккита тўплами суратга олинмоқда.

“Ўзбекфильм” АЖда тайёрланаётган “Узвийлик”, “Ғилдиракли уй”, “Довюрак ошпаз” мультфильмларининг суратга олиш ишлари давом эттирилаётир. “Кенжа ботир - 2”, “Матиз”нинг саргузаштлари” (20 дақиқадан иборат 6-қисмли) мультипликацион фильмларини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилди. “Исломхўжа”, “Жалолиддин Мангуберди” каби тарихий фильмлар, “Осмон оғушида”, “Ёвқурлар” сингари ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги фильмлар сценарийлари тасдиқланиб, тасвирга олинмоқда.

Шу кунга қадар Агентликка нодавлат киностудиялар ва фуқаролар томонидан 30 бадиий, 25 ҳужжатли фильм, 8 мультфильм сценарийси тақдим этилган бўлиб, уларни саралаш мақсадида бадиий кенгаш беш маротаба йиғин ўтказди.

— Миллий кинематографияни ривожлантириш борасида қатор янги лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз, — дейди “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори Фурқат Зокиров. — Савияли, бадиий-эстетик талабларга жавоб берадиган фильмлар яратиш, актёрлар жамоасини шакллантириш, уларга гонорар белгилашда адолат меъёрларига риоя этиш, кинотеатрлар моддий-техник базасини яхшилаш, уларни капитал таъмирдан чиқариш масалалари доимий эътиборимиз марказида. Шу йилнинг ўзида республика бўйича 30 та янги кинотеатрни ишга туширишни мақсад қилганмиз. Чекка-чекка ҳудудлардаги томошабинларга ҳам қулайлик яратиш мақсадида киномобиль лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг “Emmay Entertainment” продюссерлик компанияси ва “Star TV” телеканали билан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган кўп қисмли бадиий фильмни ҳамкорликда суратга олиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Қайд этилганидек, Агентлик жорий йилнинг май ойида Францияда ўтказиладиган нуфузли Канн халқаро кинофестивалида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида Ўзбекистон павильонини ташкил этиш, унда фильмлар билан иштирок этиш борасида тайёргарлик олиб бормоқда.

Айни пайтда Япония ва Хитой Халқ республикасининг кинокомпаниялари билан ҳамкорликда фильмлар ишлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги ҳужжатли фильмларнинг тақдимоти, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги киносарой ҳамда Самарқанд шаҳридаги “Шарқ юлдузи” кинотеатрида ташкил этилган ретрозалларда ўзбек киноси дурдоналарининг мунтазам намойиши бўлиб ўтаётир.

Анжуманда истиқболдаги режалар ва лойиҳалар хусусида кенг ва атрофлича маълумотлар берилди.

**Нигора ОТАЖОНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Бизнинг шарх

# ХИТОЙ МЎЪЖИЗАСИНИНГ СИРИ НИМАДА?

***Таҳлилчилар Хитойнинг сўнгги 40 йилликда қўлга киритган оламшумул ютуқлари замирида иқтисодий тизимда олиб борилган самарали ислоҳотлар туришини бир овоздан эътироф этмоқда. Ислоҳотлар бошланганида Хитойда хусусий корхоналар деярли йўқ эди. Бугун улар умумий ишлаб чиқаришнинг 75 фоизини ташкил қилмоқда. Мамлакатда нафақат хусусий мулкчиликка, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам муносабат тубдан ўзгарди. Авваллари ишлаб чиқариш ва истеьмол марказлашган бўлса, энди улар фирма ва оилалар қўлига ўтди. Олиб борилган туб ислоҳотлар натижасида маъмурий буйруқбозлик ўрнини иқтисодий ташаббускорлик, бозорга мослашув, рақобатбардошлик эгаллади.***



Индивидуал ташаббусларнинг эркинлиги иқтисодий тараққиёт омили эканлигини Хитойдаги ислоҳотлар жараёни яққол исботлаб берди. Хукумат нафақат саноатда, балки аграр соҳада ҳам кенг қамровли ислоҳотлар ўтказишга қарор қилди. Чунки Хитой дунё бўйича ҳайдаладиган ерларнинг 7 фоизига эга бўлишига қарамай, Ер шари аҳолисининг тўртдан бир қисмини боқиши керак эди. Бир вақтлар халқаро ҳамжамият олдида "Хитойни ким боқади?" деган савол пайдо бўлган, ўшанда Хитой раҳбарлари ва қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассислар "хитойликлар ўзини ўзи боқа олади" деб жавоб қайтаришгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар натижасида 1978 йилдан Хитойда аграр соҳа ривожлана бошлади. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунда Хитой ғалла, пахта, ёғ-мой, сабзавот-мева, гўшт ва тухум етиштиришда жаҳонда етакчилик қилмоқда.

Моҳият эътиборига кўра, Хитой кичик бизнеси майда устахоналардан бошланган. Йиллар ўтиб у "Хитой мўъжизаси"ни яратди. Бугун Хитой матбуотининг ёзишича, "мамлакатда осмонўпар бинолар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек кўпайиб бораётир". Экспортга чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг асосий қисми айнан кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келади. Жаҳондаги электроника маҳсулотларининг катта қисми "Осмоности мамлакати" корхоналарида йиғилаётгани ҳам бор гап. Мамлакатда арзон, шу билан бирга сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижасида бугун деярли барча мамлакатда Хитой маҳсулотларини учратиш мумкин.

Экспертлар Хитойдаги иқтисодий тараққиётга миллий менталитет асосий омил бўлаётганини бот-бот таъкидлайди. Чунки меҳнатни ҳам иқтисодий фаровонлик омили, ҳам миллий қадрият деб билган хитойликлар ўзларининг тадбиркорликлари ва меҳнатсеварликлари билан фахрланишади.

Ўтган асрнинг 60-йилларидаги "катта сакраш" ва "маданий инқилоб" туфайли 1976 йил сўнгига келиб, Хитой чуқур иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий инқироз ёқасига келиб қолди. Хитой матбуоти ёзганидек, 1966-1976 йиллар мамлакатни ортга улоқтириб ташлаган "йўқотилган ўн йиллик" даври бўлди. Мамлакат иқтисоди бутунлай таназзулга учраган, юз минглаб аҳоли қашшоқликда ҳаёт кечирарди. 1978 йилда импорт маҳсулотларини харид қилиш учун валюта етишмас, технология бўйича Хитой ривожланган мамлакатлардан бир неча ўн йил ортда қолиб кетган эди. Аҳолисининг 70 фоизи қишлоқларда истиқомат қиларди. Уларнинг даромади шунчаки кун кечиришгагина етарди. Қўшимча маблағ топиш қатъиян ман қилинган эди.

Мамлакатнинг "буюк илҳомчиси" Мао Цзэдун (1976 йил сентябрда) вафот этганидан сўнг ҳокимиятга Хуа Гофэн келади. У Мао Цзэдун сиёсатини давом эттириш, унинг йўлидан боришини айтади. Шу билан бирга раҳбарият ичида пинҳона кураш бошланди. Охир-оқибат Дэн Сяопин бошчилигидаги прагматиклар ғалаба қозонади. 1977 йилнинг июнида Дэн Сяопин раҳбарлик лавозимларига сайланади. У партия раиси ўринбосари, ҳарбий Кенгаш раисининг ўринбосари, Хитой халқ озодлик армияси Бош штабининг бошлиғи, ХХР Давлат кенгаши раисининг ўринбосари лавозимларини эгаллайди. 70-йилларнинг охирига келиб Дэн Сяопин амалда партия ва мамлакат етакчисига айланади.

Унинг ғояси бўйича тўрт йўналиш — қишлоқ хўжалиги, саноат, армия ҳамда фан ва техника тубдан ислоҳ этилиши керак эди. 1978 йилнинг 22 декабрида тарихий қарор қабул қилинади — Дэн Сяопин ва унинг ҳаммаслакларининг ташаббуси қўллаб қувватланади ҳамда "пролетариат диктатураси остида инқилобни давом эттириш" ғоясидан воз кечилади. Шу тарика мамлакатда кенг қамровли модернизация жараёнлари бошланади. Унга кўра, "янги ислоҳотлар ва очиқлик сиёсати" тасдиқланади.

Шу тарика хорижий капиталларни жалб қилиш, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайди. "Ҳозирги дунё — кенг ҳамкорлик дунёсидир. Хитой ёпиқлиги туфайли ҳам ўтмишда қолоқ эди. ХХР ташкил этилгандан сўнг бизни яккалаб қўйишди. Шунингдек, бизнинг ўзимиз ҳам ёпиқ эдик. 30 йиллик тажрибамиз ёпиқ эшиклар ортида қурилишни амалга ошириб бўлмасликни, тараққиётга эришиб бўлмасликни кўрсатди", деган эди Дэн Сяопин. Шунда у кейинчалик машҳур бўлиб кетган "оқми, қорами — рангининг фарқи йўқ, мушук бўлсин — сичқон тутсин", деган қанотли иборани айтади.

Зарур сиёсий шароитлар яратилганидан сўнггина Дэн Сяопин кенг қамровли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишга муваффақ бўлди. Хитой воқелигидан келиб чиққан ҳолда режали иқтисоддан бозор иқтисодиётига ўтиш назариясини ишлаб чиқди. Шу сабабли ҳам унга "Хитой ислоҳотларининг буюк отаси" дея таъриф берилган. Хитойнинг аввалги ва ҳозирги раҳбарлари ҳам Дэн Сяопин ғояларига содиқ эканликларини таъкидлашади ва мамлакатнинг ривожланиш жараёнига сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда.

Сирасини айтганда, ўтган асрнинг 50-йилларида Дэн Сяопин ва Мао Цзэдун Хитой тараққиёти борасида кўп баҳслашган. Мао "катта сакраш" сиёсатини илгари сурар ва замонавий технологияларни ишлатмасдан аҳолини кенг жалб қилган, аммо хусусий тадбиркорлардан воз кечган ҳолда иқтисодиётни юритиш лозимлигини айтарди. Бу назарияга Дэн Сяопин қарши чиққани боис ҳам сургун қилинади. Кейинчалик ҳокимиятга қайтган Дэн қишлоқ хўжалик коммуналларни бекор қилади ва Хитойни тўлалигича ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган давлатга айлантиради.

Шу ўринда айтиш жоиз, Дэн Сяопин Маони атиги бир марта танқид қилган, уни хатоларга йўл қўйган "буюк марксчи, пролетар инқилобчиси" дея атаган. Бошқа у ҳақда танқидий фикрлар билдирмаган. Шу тарика ўтмишга нуқта қўйган Сяопин ғарб мамлакатлари билан мулоқотларни йўлга қўйди ва иқтисодиётни кўтаришда Япония тажрибасидан фойдаланишни тавсия қилди.

1979 йилда Дэн Сяопин АҚШга ташриф буюрди ва Оқ уйда президент Жимми Картер билан учрашди, молиячилар билан Хитойни қандай қилиб модернизация қилиш ва саноати ривожланган мамлакатга айлантириш масаласида маслаҳатлашувлар ўтказди. Қийинчилик ва қарама-қаршиликларга қарамай Хитой белгиланган йўлдан оғишмай олға юрди. Соҳил бўйида жойлашган шаҳарлар саноати гуллаб яшнаган марказларга айланди. Бу мамлакатнинг ривожига омил бўлди. Махсус иқтисодий зоналар сони ортиб борди, замонавий технологиялар билан жиҳозланган зоналарга катта эътибор қаратилди.

Дэн Сяопин шиорларга ўч эмас, унинг фақат битта "одамлар ўтган йилга нисбатан бу йил яхшироқ яшасин", деган шиори бор эди. Ислоҳотлар шу қадар донишмандлик билан олиб борилдики, одамлар, дарҳақиқат, бу йил аввалгисига нисбатан яхшироқ яшай бошлади. Хитойликлар айни пайтдаги ҳаётларидан рози бўла бошладилар, ислоҳотларга ишончи орта борди. Дэн Сяопин ислоҳотлар ўтказар экан бир нарсани — у ҳам бўлса марказий ҳокимиятни бўшаштирмасликни англаб етди. Ислоҳотлар шошма-шошарлик билан эмас, етти ўйлаб бир кесган ҳолда олиб борилди. Дэн Сяопин Хитойни буюк давлатлар қаторига олиб чиқишни орзу қиларди ва бу орзусига эришди. Айни дамда халқаро ҳамжамият томонидан Хитойнинг замонавий саноати тезлик билан тараққий этаётган, фан ва маданияти ривожланган мамлакат, дея тан олиниши ҳам бу, Ден Сяопин танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли самарасидир .

2017 йилнинг 14 сентябрь куни "Forbes" Ўзбекистондаги бугунги ислоҳотлар ҳамда Президент Шавкат Мирзиёев юритаётган ички ва ташқи сиёсатга доир эълон қилинган мақолада таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг қадимий давлати ҳисобланган Ўзбекистонда ҳозирда катта иқтисодий ислоҳотлар кузатилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташқи дунёга кўпроқ очилаётган ўзбек етакчиси сифатида қайд этилмоқда. Баъзилар Шавкат Мирзиёевнинг олиб бораётган ҳозирги саъй-ҳаракатларини буюк ислоҳотчи Дэн Сяопинга қиёсламоқда. Дэн Сяопиннинг тарихдаги роли — у Хитойни қудратли давлатга айлантирган, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси юртдошларимизда эртанги кунга ишонч туйғусини янада мустаҳкамлади. Барчамизни, шубҳасиз, эзгу мақсадлар йўлида фидойиликка ундади. Хориждаги оммавий ахборот воситаларига таянган ҳолда, ҳамкасбларимиздан бири ёзганидек, Мирзиёев залга Президент сифатида кирди ва ундан миллат Лидери бўлиб чиқди.

2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилгани иқтисодий тараққиётимизни янги босқичга кўтаришига аминмиз. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, "Мурожаатномада баён этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўладиган 2018 йил биз учун осон бўлмайди. Буни очиқ айтиш керак. Лекин, халқимиз таъбири билан айтганда, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам, танлаган йўлимиздан қайтмаслигимиз шарт. Нега деганда, бу ҳаётда ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмайди. Ўзимиз ҳаракат қилмасак, ҳеч ким бизга беғараз ёрдам бермайди".

Инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат шуки, давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида баён этилган режа ва лойиҳалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, Ватанимиз обрў-эътиборини янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилгандир.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,**
**халқаро шарҳловчи**

Рангин дунё

# АМСТЕРДАМ ЖАМОАТ КУТУБХОНАСИ







***Амстердам — эртакмонанд, кўҳна ҳамда замонавий иншоотлар яхлит композиция асосида бунёд этилган шаҳар. У ўзининг "Рейксмюзеум", Винсент Ван Гог музейи, "Амстеледаги Эрмитаж" сингари иншоотлари билан дунёга машҳур. Шаҳар марказидаги Амстердам жамоат кутубхонаси ҳам китобхон ва сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Кутубхонанинг шаҳарда 26 филиали мавжуд. Унга ҳар йили 4 миллиондан зиёд китобхон келади.***

Амстердам жамоат кутубхонаси 1919 йилда ташкил топган бўлиб, эски биноси Кейзерсграхт канали яқинидаги бинода фаолият кўрсатган. Унинг ҳозирги биноси 2007 йилда таниқли меъмор Жо Коенен томонидан Амстердам марказий вокзалидан 500 метр узоқликда бунёд этилган, қурилиш ишларига 80 миллион евро сарфланган.

Кутубхона 12 қаватдан иборат, юқорига ҳам лифт, ҳам эскалатор воситасида кўтарилиш мумкин. Минг кишига мўлжалланган ўқув зали барча зарурий техника ва ускуналар билан таъминланган. Бу ердаги 70 компьютер кутубхона каталоги билан танишиш, 30 компьютер эса мусиқали материалларни тинглашга мўлжалланган. Кутубхона биносида Wi-Fi тизими ишлаб туради. Ноутбук воситасида Интернетга симсиз уланиш ҳам мумкин.

Кутубхонанинг болалар адабиёти бўлими ёш авлод вакилларининг дунёқараши ва дидига мослаб жиҳозланган: ғаройиб зина, жимжимадор суянчиқли кенг ва юмшоқ курсилар. Болалар ўқув залидаги замонавий компьютерларга тафаккурни чархлайдиган ўйин ва дастурлар ўрнатилган. Залда жойлаштирилган столларда ҳам расм чизиш, ҳам дарс қилиш мумкин.

Муассасада турли анжуманлар, театр томошалари ўтказиш анъанага айланган. Кутубхонанинг иккинчи қаватидаги кинозалда кинематографиянинг олтин хазинасидан ўрин олган фильмлар намойиш этилади. Шунингдек, фильмлар ёзилган кассета ва дискларни уйга олиб кетишга ҳам рухсат берилади.

Кутубхонадан ҳамма бирдек фойдаланиш имкониятига эга: кўзи ожизлар учун махсус ўқув қўлланмалари, аудиокитоблар бор; ногиронлар аравачасида келган имконияти чекланган китобхонлар бино ичида қийинчиликсиз ҳаракатлана олади.

Маърифат масканида музей ҳам фаолият кўрсатади. Унда кутубхона тарихи ва фаолиятига доир антиқа буюмлар сақланади. Иншоотнинг ғарбий қисмидаги икки қаватда турли учрашувлар, анжуманлар ўтказиш учун қулай қилиб безатилган конференц-заллар, маъруза хоналари жойлашган.

Кутубхонанинг еттинчи қаватида ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган "V&D La Place" ресторанида тамадди қилиш, кутубхона ёки ўқилган китоблар олинган таассуротлари ҳақида фикр-мулоҳаза алмашиш мумкин. Ресторан даҳлизидан — юқоридан туриб Амстердам шаҳрини томоша қилиш кишига ўзгача завқ-шавқ бағишлайди. Муассасанинг сўнгги қаватидан 270 ўринли театр ўрин олган. Унинг деворлари махсус товуш мослаштиргичлар билан жиҳозланган. Бу эса спектакль ёки концертлар ўтказиладиган вақтда овознинг зал бўйлаб тенг тақсимланишини таъминлайди.

Маълумки, шаҳар кўчалари нисбатан торроқ бўлгани учун, асосан, велосипеддан фойдаланилади. Шу боис улар учун қулайлик яратиш мақсадида бинонинг олдида махсус велосипед тураргоҳи ташкил қилинган.

Муассаса эшиклари китобхон ва сайёҳлар учун ҳар куни соат 10:00 дан 22:00 га қадар очиқ. Кутубхонада 300 дан зиёд ходим ишлайди.

Амстердам жамоат кутубхонаси 2012 йилда мамлакатнинг энг яхши кутубхонаси, деб тан олинган.

**Дилдора ҚЎЧҚОРОВА,**
**Жиззах шаҳридаги**
**6-мактаб ўқитувчиси**

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## ҚУРИЛМА ИНСУЛЬТНИ АНИҚЛАЙДИ



***АҚШ тадқиқотчилари 30 сония ичида 92 фоиз аниқлик билан инсультни аниқлай оладиган қурилма ишлаб чиқди. Бу ҳақда "Journal of Neurointerventional Surgery" нашри хабар тарқатган.***

Ишлаб чиқарувчилар янги қурилмани 248 иштирокчида синаб кўришди, улардан 41 нафари ўткир инсультдан азият чеккан, 128 нафарида эса касаллик белгилари нисбатан камроқ бўлган, 79 нафари соғлом кишилардир.

Қурилма ёрдамида мияни тадқиқ қилиш атиги 30 сония вақтни олди. Инсультга чалинган беморлар 93 фоиз ҳолатда аниқланган, соғлом кишилар хасталардан 92 фоиз ҳолатда ажратиб олинган. Бугунги кунда амалда қўлланувчи тиббий қурилмалар эса инсультни 40-89 фоиз ҳолатлардагина аниқлаши мумкин.

Қурилма миядаги суюқликнинг ҳаракатланишини радиотўлқинлар ёрдамида текширади. Инсультда у қон томирлари ўтказувчанлигидаги ўзгаришларни аниқлаш имконини беради. Ўзгаришлар қанчалик кучли намоён бўлса, бемор миясига шунчалик жиддий зиён етганидан далолат беради.

Инсульт аниқланган тақдирда бемор 24 соат ичида операция қилинади. Олимлар қурилма нафақат вақтни тежаш, инсультни имкон қадар тезроқ аниқлаш, беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва ўз вақтида даволашга ёрдам беришини айтмоқда.

## "АҚЛЛИ" СОАТ



***Хитойнинг "Xiaomi" компанияси "Amazfit Smart Sports Watch 2" номли "ақлли" соат ишлаб чиқарди. У спорт билан шуғулланувчи ва фаол турмуш тарзига риоя қилувчи кишилар учун айни муддао, дейилади "123ru.net" сайтида.***

Маълумотларга кўра, қурилма дисплейи ёқут шиша билан ҳимояланган. Қолган қисми зангламайдиган 316L пўлатдан ишланган мустаҳкам корпус билан қопланган. Намгарчилик ва чангдан тўлиқ ҳимояланган.

Қурилмани турли иш режими — югуриш, сузиш, триатлон, альпинизм, пиёда сайр қилиш ва бошқа ҳолатларда созлаш мумкин. Шунингдек, қулайлик учун соатларнинг аппарат платформасига GPS-модули киритилган.

Меъёрий режимда қўлланилса, унинг батареяси қуввати тахминан 5 кунга етади. Қурилмадан фаол фойдаланилганда эса унинг аккумулятори 35 соатгача ишлайди.

## МУЗЛАТГИЧ ШАКЛИДАГИ ИШ ЖОЙИ



***АҚШнинг "Jabbrrbox" стартапи одамлар осойишта вазиятда ишлаши учун шаффоф эшикли вертикал капсулалар яратди. У бир қарашда музлатгични эслатади. Бироқ фойдаланувчилар бу "будка"да ўтказган вақтлари учун ҳақ тўлашлари керак бўлади, деб ёзади "vc.ru".***

Биринчи капсула Нью-Йоркдаги Ла-Гуардия аэропортида ўрнатилди. Бу кабинада 15 дақиқа бўлиш 10 доллар, 30 дақиқа — 15 доллар, бир соат бўлиш 30 долларга тушади. Душ кабинаси ўлчамидек келадиган капсулада ўриндиқ, стол, розетка, ҳарорат ва ёруғликни тартибга солувчи ускуналар ўрнатилган.

Компания бундай капсулалар шовқин-сурондан ҳоли бўлиш, дам олишни истовчилар ҳамда компьютерда ишловчилар учун асқотишига умид қилмоқда.

Қисқа вақт ичида хусусий компаниялар бундай кабиналардан 200 га яқинини сотиб олган. Бир ўриндиқли капсула 13 минг, 2 ўриндиқлиси эса 24 минг долларга баҳоланмоқда.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

MILLIY TIKLANISH
14 (498) 2018 йил 4 апрель, чоршанба

Хиёбон

# "ЭЛ-ЮРТИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛИБ ЯШАШ МАНГУ БУРЧИМИЗ"

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ, ТАНИҚЛИ КИНОРЕЖИССЁР ЗУЛФИҚОР МУСОҚОВ БИЛАН СУҲБАТ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

**— Зулфиқор ака, инсон ҳаётидаги барча маънавий мезон ва қарашлар оила бағрида шаклланиши айни ҳақиқат. Шундай экан, болалигингиз ҳақида билиш кўпчилик учун қизиқарли бўлиши табиий...**

— Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида туғилганман. Икки ойлик чақалоқлигимда ота-онам Тошкентга кўчиб келишган. Болалигим, ўсмирлигим ҳам шу ерда ўтган. Ёшлигим кечган Эски шаҳар билан боғлиқ талай хотираларим бор. Ўртаҳол оиланинг фарзанди эдим. Ростини айтсам, ёшлигимда кўпам қийинчилик кўрмаганман. Анчайин эрка ўсганман — доим истаган нарсам муҳайё эди. Хоҳлаган ўйинчоғимни ўйнаганман, қизиққан китобимни ўқиганман. Буларнинг барини дадам келтириб берарди. Фақат бувим (биз эна деймиз) кўпроқ тартибга чақириб турар, юмушларга кўмиб ташларди. Шўхликларим ҳаддан ошиб кетса, қаттиқ койиган пайтлар ҳам бўлган.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Кундалик дафтаримдаги икки баҳоимни яшираман, деб елим тополмасдан ўша бетни хамир билан ёпиштириб қўйгандим. Бир бармоқ қалинлигича келадиган кундалик дафтарим икки-уч баробар шишиб кетган. Буни сезиб қолган ойим қаттиқ жазолаганди...

Умуман олганда, болалигим ҳақида китоб ёзяпман. Бу ҳақда батафсил ундан билиб оларсиз...

**— Кинога бўлган қизиқишингиз қачон ва қандай пайдо бўлган? Сиз кинога кириб борганмисиз ё кино сизни ўз оламига тортиб олганми?**

— Кино мени маҳлиё этиб, ўз оламига тортиб олган. Қумлоқдаги 159-мактабнинг етти ё саккизинчи синфида ўқиётган пайтларим эди. Бир ўртоғим "қаранглар, Никулин кинога тушяпти", деб қолди. Қарасак, рус режиссёри Алексей Герман биз яшайдиган ҳудудда "Урушсиз йигирма кун" фильмини машҳур рус актёри Юрий Никулин иштирокида суратга олаётган экан. Иборали айтганда, "тирик" актёрни биринчи марта кўришим эди, ўша ерда оғзимни ланг очиб бир кун қолиб кетганман. Мана шу воқеа кинога бўлган қизиқишимга туртки берган. Кейинги кун яна бордим. Шунда кино ижодкорларидан бири "болакай, кинода роль ўйнашни истайсанми?" деб қолди. "Ҳа" дедим. Кейин ўша кинонинг бир саҳнасида узоқдан юриб ўтиб кетганман. Бу кинодаги биринчи "ишим" эди. Ўша ролим билан олти сўму қирқ беш тийин пул ишлаганман. Шундан сўнг бир ҳафта мактабга ҳам бормай фильм суратга олинаётган майдонда ўралашиб юрдим. Энди ўйласам, ўшанда кино мени ўзига бутунлай ром айлаган экан.

Кейин отам ишхонасидан эски кинокамера олиб келиб берган. Уни тузаттириб, ҳовлимизни, қўни-қўшнини, кўчани, кучукларни тасвирга олганман. Хуллас, кинематография ҳаётим мазмунига айланди.

**— Ўзбек киносининг жаҳондаги ўрнини қандай баҳолайсиз? Умуман унда бизнинг ҳам ўз жойимиз, ўз сўзимиз борми?**

— Оммавий ахборот воситаларини, айниқса, Интернетни кузатсангиз, киномиз тарихини билмай, унинг моҳиятини англамай, енгил-елпи, беманзил гапларни айтаётган одамларни ҳам кўп учратамиз. Улар кўпроқ телевидение ва радиога чиқиб олиб, собиқ совет даврини қўя туринг, ҳатто мустақиллик йилларида ҳам ҳеч қандай яхши ва кўришга арзирли кино олинмаган, мана биз бошлаб берамиз, деб кўкрагига уради. Ана шундай "жонкуярлар" ё билмайди, ё билишни истамайди — мустақиллик даврида ҳам яхши кинолар яратилди. Улар нафақат халқ кўнглидан жой эгаллади, балки дунёда ҳам ўзининг муносиб баҳосини топа олди. Беадад шукурлар бўлсинки, бугун ўзбек тилида яратилган кино ва саҳна асарлари хорижда ҳам шуҳрат қозонмоқда, халқаро мукофотларга сазовор бўлмоқда. Мисол учун айтайлик, Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма" фильми Москва кинофестивалида совриндор бўлди. Аюб Шахобиддиновнинг бир нечта фильмлари нуфузли анжуманларда бош совринларни олганига шахсан гувоҳ бўлганман. "Ватан" фильми Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган кинофестивалда дунёнинг бешта фильми рўйхатига киритилди. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Булар ўзбек киносининг жаҳон миқёсидаги эътирофи эмасми? Афсуски, нимагадир булар ҳақида ўзбек матбуоти, телевидение, радио ё Интернет сайтлари лом-лим демайди.

**— Фильмларингиз томошабинга нима берганини олий ҳакам — вақт ва холис томошабин белгилайди. Хўш, ўзингиз кинодан нима топдингиз?**

— Фильмларим халққа нима берди? Буни, албатта, халқнинг ўзи белгилайди. Аммо "кино менга нима берди", деган саволни ўзимга ўзим кўп бераман ва кино менга халқнинг қалби тўридан жой берди, деб айта оламан. Бу, менимча, энг катта бахт. Моддий томонини назарда тутсак очиқ айтаман, данғиллама уй, ҳашаматли дала-ҳовли, қимматбаҳо машинам йўқ. Лекин оч қолганим йўқ, Худога шукр, уйим, оилам бор. Шунинг ўзи етарли.

**— Тасвирга олиш жараёнида сизни энг кўп қийнайдиган жиҳат нима бўлган?**

— Аввало айтиш керакки, кино олиш биз учун байрам. Табиат инжиқликлари, техникадаги носозлик ва шунга ўхшаш баъзи бир муаммолар ҳам ижодий жамоамиз кайфиятига таъсир ўтказа олмайди. Қийнайдиган жиҳатлардан бири шуки, кинонинг "к" ҳарфини ҳам билмай, умрида биронта фильм яратмаган, лекин ўзини бадиий кенгаш аъзосиман, деб ғўддайганларга ўзимнинг ҳақлигимни исботлаш...

**— Бугун кино санъатимизда сизни нималар ранжитаяпти? Қайси жиҳатлардан кўнглингиз тўлмаяпти?**

— Суҳбат бошида ҳам айтдим: кинони тушунмай, бироқ "ўзбек киносини қандай қутқарамиз?" деб бонг ураётганлар кўпайиб кетди. Гапим янада тушунарли бўлиши учун шу ўринда сизга бир савол: мана, сиз тиббиёт йўналишида таҳсил олганмисиз?

**— Йўқ, журналистикада...**

— Айтайлик, мана сиз, бирор бир шифохонанинг реанимация бўлимига тўппа-тўғри кириб келиб, "хўш, беморнинг қаеридан бошлаб кесамиз?" десангиз, кечирасиз-ку, шифокорларга қўшилиб беморнинг яқинлари ҳам сизни олдига солиб қувса керак, тўғрими? Ёки шу соҳанинг мутахассиси бўлмай туриб, кунда-кунора телевизор орқали тиббиётни қандай ривожлантириш бўйича ваъз ўқиб турсангиз, шу соҳанинг ичида юрганлар нима дейди?

Гоҳида мухбирларнинг "фильмингиз нима ҳақда эди?", деганга ўхшаш саволлари ҳам ғашимни келтиради. "Аввал фильмни кўргин-да, кейин кел", деб қанчасини қайтариб юборган пайтлар ҳам бўлган. Тўғри-да, фильмни кўрмасдан-билмасдан туриб, режиссёр билан нима ҳақда ва яна қандай суҳбатлашиш мумкинлигини ҳеч ақлимга сиғдира олмайман...

**— Зулфиқор ака, сизни ўз фильмларининг премьерасига бормайди, деб эшитганмиз...**

— Сабаби битта: бизда томошабин маданияти чатоқ! Унинг устига кўпчилик бизда мавжуд киносарой ва театрларга ёш болалар билан ҳам кириши мумкин. Бошқа жойларда бундай маданият масканига кираётган одамнинг ўзи ихтиёрий равишда қўл телефонини топшириб киради. Бизда-чи? Қани, шунга даъват этиб кўринг-чи...

Тўғри, томоша ёки кино қўйилишидан аввал маъмурият вакили томошабин маданияти ва қоидаларини эслатиб ўтиши ҳам бор гап. Бироқ афсуски, бунинг юз фоиз натижа берганини сира учратмадик. Сирасини айтганда, томошабиннинг бехижолат қўлтелефони орқали баланд овозда гаплашиши, писта чақиши, "popcorn"хўрлик, ёнидагилар билан чақ-чақлашиб ўтириши, уёқдан-буёққа юриши — тасвирга олиши, эмизикли она-бола, "қий-чув", хуллас, шулар мени ўз фильмларим премьераларидан узоқлаштирди.

Бир куни жажжи фарзандини кўтариб келган онага: қизим, болангиз бу қоронғуда қўрқиб кетади-ку, уйингизга ташлаб келсангиз бўлмайдими, деб айтсам, уйда қолдириб келадиган одам йўқ, деган жавобни эшитдим. Қайнонангиз-чи, дегандим, қайнонам мана, ёнимда ўтирибди, деди қарсиллатиб...

Тан олишим керак, баъзан премьераларга тушиб, охиригача ҳам ўтираман. Нима учун? Техника панд бермасин, деб. Ҳамма кино саройларимизнинг ҳам моддий-техник аҳволи яхши эмас. Шунча машаққат билан фильм оласизу унинг намойишига келганда томошабин олдида изза бўлиб қолишни бир тасаввур қилиб кўринг!

Дунёнинг қанчадан қанча кинофестивалларида иштирок этдим. Мана, ўрганса бўлар экан-ку, деб келардим ҳар сафар. Томошабинда ижодкорга нисбатан ҳурмат бўлиши керак, унинг ижодий ишини қадрлаши керак. "Осмондаги болалар" Нью-Йоркдаги Линкольн-центр санъат саройида намойиш этилганида фильмни тўрт мингта одам томоша қилган эди. Лекин бирор инсоннинг овоз чиқариб гапирганини эшитмадим. Фақат томошабиннинг ўрни билан кулгани, йиғлагани эшитилди, холос.

Режиссёр Андрей Кончаловскийнинг бир гапи бор: ҳар бир халқнинг тақдири унинг маданиятига боғлиқ. Дунё мамлакатларига эътибор беринг. Улардан қайси бири гуллаб-яшнаётган бўлса, аввало, у давлатнинг маданияти юқори, фуқаролари бир-бирини ҳурмат қилади, фисқу фасоддан йироқ...

**— Яқин 5-10 йил ичида ўзбек киносида деярли бир хил таниш чеҳралар роль ижро этиб юрибди. Ҳатто шундай бўляптики, томошабин уларнинг кинодан-кинога кўчиб юрган аҳвол-руҳияти, ижродаги бир хиллик, устидаги кийим-бошини ҳам таниб қолди. Нима, бизда актёр ё актрисалар шунча тақчилми? Агар шундай дейдиган бўлсак, олий таълим муассасаларини битираётган шунча ёш-ёш кадрлар қаерга кетяпти? Бу нимадан далолат?..**

— Энг қисқа, бироқ аниқ жавоб шуки, бунинг замирида таниш-билишчилик ва манфаат ётибди...

**— Ҳаваскор қўшиқчи, ҳаваскор ижодкор ва ҳаваскор режиссёр деймиз. Тўғри, биринчи қадам ташланмай туриб, олис манзил ҳақида ўйлашнинг ўзи мантиқсиз. Лекин бу "ҳаваскорлик" халқ маънавиятига жиддий таъсир ўтказса-чи? Унда нима қилиш керак?**

— Аён ҳақиқат шуки, яқин ўн беш йил ичида ёш томошабинлар аудиториясини йўқотдик. Бу — яхшилик аломати эмас.

Президентимиз дунё миқёсида турли ғоя ва мафкуралар кураши, одамлар, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун турли кучлар ўртасида рақобат кескин тус олган бугунги кунда энг оммавий санъат бўлган кинонинг бекиёс имкониятларидан самарали фойдаланишимиз керак, деб такрор-такрор таъкидлаяпти. Жонкуярлик билан айтилган, Ўзбекистонда санъат бизнесга айланмаслиги шартлиги ва бунга ҳеч қачон йўл қўйилмаслиги ҳақидаги фикри алоҳида аҳамиятга эга. Зарарли ғоялар билан одамларни чалғитишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб кино соҳасидаги долзарб вазифаларни изчил ҳал этишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Лекин виждонан жавоб берганда биз ижодкорлар бу имкониятлардан қай даражада унумли фойдалана олдик? Тўғри, бу борада қандайдир ижодий изланишлар бўлди, дейиш мумкиндир. Бироқ шуни ишонч билан айтиш мумкинки, кинога масъул бўлган ташкилотларда тижорат фильмларга бўлган "меҳр" йўқолмас экан, халқ маънавиятига зарар етказиш, билиб-билмай ёт ғоялар билан улар онгига таъсир ўтказиш давом этавериши бор гап. Умуман олганда, буни на бизнес, на санъат деб бўлади. Қачонки, маданиятимизни юксалтириб, нафсимизни тийишни ўргансак, барча соҳа қатори ўзбек киноси ҳам бундан-да улкан чўққиларни забт эта олади.

**— "Берлин-Оққўрғон" чиндан ҳам охирги фильмингиз бўладими?**

— Жудаям оғриқли савол... Чунки бу гапни шов-шув учун айтмаганман. Ҳозир кимлардир ўзини-ўзи пиар қиляпти, деб ҳисоблаяпти. Лекин мен мана шу сўзни ва унинг амалини жуда ёмон кўраман. Бу ҳақда жуда узоқ ўйлаб, кейин бир қарорга келинган. Ҳолбуки, режиссурадан кетишим кино санъатини бутунлай тарк этишимни ҳам билдирмайди. Насиб этса, сценарий ёзаман, шогирдлар тайёрлайман.

**— Режиссёрлик фаолиятингизни тугатганингиздан сўнг кўнглингизга мос ролга таклиф этиб қолишса?..**

— Агар кўнглимдаги образ бўлса, ўйнардим. Лекин "шунча йил кино олгани етмасмиди", деган гап-сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Буни энди ҳаёт кўрсатади...

**— Зулфиқор Мусоқов нимани ёмон кўради?**

— Маддоҳлик ва иккиюзламачиликни. Энг ёмони шуки, ҳозир айрим касбдошларимиз ўзлари учун мана шу иллатни фазилатга айлантириб олди. Мақтовни эртанги куни учун сармоя деб ўйлайдиганлар адашади. Ҳаётда бундай инсонларни кўп учратдим ва қандайлигини доимо юзига айтиб келганман. Бундан ҳеч қачон афсусланмайман. Чунки ундай одамлар ўзларига бу баҳони ҳеч қачон беролмайди. Кимнидир мақташ, уни олқишлаш билан бирор нарса кутиш инсонни тубанликка етаклайди. Эртанги кунга ҳамиша меҳнат ва билим билан сармоя киритилади.

Ҳозирда кино ишлари билан бир қаторда ўзимдан кейин уялтирмайдиган уч-тўртта шогирд қолсин, деб "Маҳорат мактаби" ташкил қилганман. Бу ерда таҳсил олаётганларга ҳам ҳеч қачон мустақил фикрларингни йўқотманглар, деб кўп уқтираман. Чунки ўз фикрига эга одам ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам тўғри йўлни топа олади.

**— Суҳбатимиз шу ерга келганда, кўнглимдан бир савол ўтмоқда: кечирасиз-у ўзи, ҳаётдан розимисиз?**

— Кўз тегмасин, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бундан ортиқ яна нима керак бизга? Қанчадан қанча давлатлар йўқ бўлиб кетяпти, одамлар очликдан хору зор бўлиб жон беряпти. Биз фақат шукр қилишимиз керак. Ҳаётдаги майда-чуйда камчиликлар вақт ўтиши билан аста-секин ҳал бўлиб бораверади.

**— Режиссёр бўлишни орзу қилувчи ва умуман, кино санъатига қадам қўймоқчи бўлган ёшларга тилакларингиз...**

— Улар бир нарсани билишларини истайман. Давлат кўмагисиз кино инқирозга юз тутади. Дунёда икки мамлакатдагина кинога давлат аралашмайди. Бу — Ҳиндистон билан АҚШ. Қолган барча давлатда умуминсоний қадриятлар тарғиботи, маънавий чегара қўриқчиси аталмиш кино тараққиёти, унинг истиқболи учун давлат сармоя ажратади. Хусусан, мамлакатимизда ҳам кинога бўлган эътибор сўнгги йилларда янада кучайди. "Ўзбекфильм" биноси таъмирдан чиқяпти, фильм суратга олиш учун етарли маблағ ажратиляпти, хуллас, қандай ёрдам керак бўлса, барчаси муҳайё этиляпти. Вақтинчалик шон-шуҳрат, пул, бойликка қизиқмасдан фақат ишлаш, меҳнат қилиш керак. Халқимиз чинакам меҳнат қилганни қадрлайди. Шу боис ўз устида тинимсиз ишлаган, кинода инсон кўнгли, унинг дардларини кўрсатиб бера олган режиссёр ҳамиша одамлар меҳрини қозонади ва охир-оқибат эътироф этилади.

Энг муҳими, асл ижодкор қайси миллатга мансублигини ҳеч қачон унутмайди, бунга ҳаққи ҳам йўқ. Худди шундай, Ватанни танлаб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди. Шу азиз тупроққа киндик қонимиз тўкилган экан, эл-юртимизга муносиб бўлиб яшаш мангу бурчимиз ва вазифамиздир. Ёшларга шуларни тилаган бўлардим...

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.**



ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

***Лолагул алвон-алвон,***
***исмалоқ берар дармон...***

***Наврўз нафақат яшариш, гўзаллик фасли, балки она-табиат заминга ризқ-рўз улашадиган саховатли палла ҳамдир. Борлиқни офтоб тафти қиздиради. Бу ҳароратдан замин уйғонади, ўт-ўлан бош кўтаради...***

## ИСМАЛОҚ ИММУНИТЕТНИ ОШИРАДИ



Момоларимиз азалдан энди сабза урган баҳорги кўкатлардан пишириқ, таом ва егуликлар тайёрлашган. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки улар инсон организми учун ниҳоятда фойдали бўлиб, қиш бўйи сархил неъматларга ташна бўлган танага куч-қувват, мадор бағишлайди.

Улар орасида, айниқса, исмалоқ муҳим ўрин тутади: у камқонликни даволаш ва иммунитетни ошириш хусусиятига эга. Таркибида кўп миқдорда минерал тузлар, темир бирикмалари, витамин, турли микроэлемент, оқсил ва йод бор. Айниқса, анемияга чалинганлар учун жуда фойдали.

Исмалоқ қон томирини мустаҳкамлайди, ошқозон ости безиi фаолиятига ёрдам беради, гипертониянинг олдини олади, ҳужайраларнинг қаришини секинлаштиради. Асаб фаолияти бузилган ва қаттиқ толиққан кишилар учун ҳам фойдали.

Ошқозон муаммоси ва қорни дам бўлган кишилар 10 грамм исмалоқ баргини бир стакан сувда қайнатиб ичса, ичаклар анча равон ишлай бошлайди. Милклар яллиғланишида оғизни, бодомсимон без оғриганда томоқни исмалоқ суви билан чайқаш наф беради.

Барги қайнатилиб, ичилса, асаб тизими фаолиятини меъёрлаштиради. Бунинг учун бир ош қошиқ тўғралган исмалоқ 200 грамм сувда ўн дақиқа қайнатилиб, бир соат тиндириб қўйилади. Сузиб олиниб, кунига уч маҳал ярим пиёладан ичиб турилади.

Исмалоқни меъёрдан кўп истеъмол қилиш ҳам зарарли. Чунки унинг таркибида шовул кислотаси кўп, бу эса буйрак, жигар, ўн икки бармоқли ичак ва ўт пуфаги фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Мазкур аъзолар касалланганда уни истеъмол қилмаган маъқул. Исмалоқнинг қари баргларида шовул кислотаси нисбатан кўп бўлади. Шу боис имкони борича унинг янги баргларидан фойдаланиш керак. Қолаверса, уни кўп сақлаб бўлмайди, акс ҳолда таркибида организм учун зарарли тузлар кўпайиб кетади.

ТУРФА ОЛАМ

## ЭСКИ КОН ЎРНИДА МЕҲМОНХОНА ҚУРИЛЯПТИ

***Хитойнинг Шанхай шаҳри яқинида 80 метр қазилган эски кон ўрнида қурилаётган меҳмонхона битиш арафасида турибди. Ер юзасида унинг фақат икки қавати ўрин олади. "tjournal.ru" сайти иншоотнинг суратларини тақдим этди.***

Меҳмонхонада 370 та хона, мажлис заллари, дам олиш ҳудудлари ва ресторанлар бўлиши режалаштирилган. Қурилиш битганидан сўнг бино томида дам олиш ҳудудини очиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун у ерда дарахт экилади ва майсазор барпо қилинади. Режага кўра, бино марказидан шаршара тушади ва у меҳмонхонанинг асосий рамзига айланади.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашидаги партия ижрочи котиби Нодира Абдураҳмоновага отаси

**УЛУҒБЕК ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 416, Адади — 7840. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Эркин ДОРИПОВ
**Навбатчи:** Нигора НИШОНБОЕВА
**Саҳифаловчи:** Жалолиддин ЎРИНОВ
**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.40. Топширилди — 00.35.
ISSN 2010-7714
12 456